Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 25 (154) • 2008 йил 13 июнь

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### АКЦИЗЛИ ТОВАРЛАР КОДИ КЕНГАЙДИ

2008 йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг янгиланган Товар номенклатураси амалга киритилиши муносабати билан (2007 йилги версия) **Президентнинг 2008 йил 23 майдаги ПҚ-876-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ–744-сон қарорига ўзгартишлар киритилди, уларга мувофиқ олиб кириладиган акцизга тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари ТИФ ТН янги ўнта белгили кодлари бўйича тасдиқланган.

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**Президентнинг 2008 йил 26 майдаги ПҚ-877-сон қарори** билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида 2008 йил 17 мартда Абу-Даби шаҳрида имзоланган Иқтисодий, савдо ва техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битим ҳамда инвестиция соҳаси ва фискал ишлар ҳақидаги ҳадли битим тасдиқланди.

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

**Президентнинг 2008 йил 28 майдаги ПҚ–879-сон қарори билан 2008–2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури маъқулланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Дастур саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражасининг мақсадли параметрларини, шунингдек бутловчи узеллар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг рўйхатини ҳамда спорт инвентарлари ва ўқув анжомлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 2008 йилда тугалланадиган лойиҳаларининг рўйхатини ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

2011 йил 1 январгача четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари); маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун); маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинган корхоналарни ўз ичига олувчи қоидалар тасдиқланди. Бунда бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

### БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги 104-сон қарори билан Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Болалар шаҳарчасининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: тарбияланувчиларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи оилавий муҳитни яратиш; тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилишни ва соғлиғини мустаҳкамлашни таъминлаш, профилактика тадбирларини амалга ошириш; тарбияланувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни, психологик ва тиббий-педагогик реабилитация қилишни ва уларни жамиятга мослаштиришни таъминлаш ва бошқалар.

Тарбия жараёни оилавий типга кўра ташкил этилади: болалар тарбиячи бошчилигида гуруҳларга бўлинади, гуруҳлар оилалар деб аталади. Ҳар қайси оилада турли ёшдаги (қоидага кўра, 3 ёшдан бошлаб уларнинг умумтаълим муассасасини тугатиш ёшигача) 6 нафардан 8 нафаргача болалар тарбияланади. Улар алоҳида уйларга ёки турар жойларга (квартираларга) жойлаштирилади. Битта болалар шаҳарчасида камида 12 та оила ташкил этилади. Тарбияланувчи болаларнинг умумий сони эса 140 нафардан ошмаслиги керак.

Давлат Болалар шаҳарчалари таъминоти ва уларни моддий-техник таъминлаш давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Нодавлат шаҳарчалари тарбияланувчилари эса муассислар таъминотида бўлади. Бунда маблағ билан таъминлаш ушбу Низомда белгиланган миқдорлар ва нормативлардан кам бўлиши мумкин эмас.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарори билан Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди.**

Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотлар васийлик ва ҳомийлик органларига: ота-онаси вафот этганда, улар ота-оналик ҳуқуқларидан чекланганда ёки улардан маҳрум бўлганда; ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда; ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлганда ва Низомда назарда тутилган бошқа ҳолларда тақдим этилади.

Ушбу маълумотлар ота-она қаровисиз қолган болалар ҳақида хабар топган ҳар қандай фуқаролар томонидан тақдим этилиши мумкин. Ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, таълим муассасалари, ФҲДЁ органларининг мансабдор шахслари эса улар ҳақида хабардор қилишлари шарт, ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаганлик ёки қасддан ёлғон маълумотлар тақдим этганлик учун мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

### ПАЛАТАНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 112-сон қарори қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. У билан Адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Конференция Палатанинг юқори органи, Бошқарув – ижро этувчи органи, Тафтиш комиссияси эса молиявий назорат органи ҳисобланади. Раис ва унинг ўринбосарлари Адлия вазирлигининг тақдимномасига кўра Конференция сайлаган Палата Бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга Палата Конференцияси томонидан сайланиши белгиланган. Минтақаларда Палатанинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилади. Унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб адвокатларнинг кириш ва аъзолик бадаллари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобланади. Ушбу маблағлардан фақат Палатанинг уставдаги фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилади ҳамда улар Палата аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

### «САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ВАКИЛ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

**2008 йил 29 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 114-сон қарори қабул қилинди.**

Унга мувофиқ **Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси** барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудида саноат ва радиация хавфсизлигига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатларга, шунингдек давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирларига риоя этилиши устидан давлат назоратини белгиланган тартибда амалга оширувчи саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Унинг зиммасига шунингдек саноат хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича эксперт ташкилотларни аккредитация қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Ҳужжат билан шунингдек инспекция марказий аппаратининг тузилмаси ҳам тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарорига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди.

### СИНГАПУР ИНСТИТУТИГА ИМТИЁЗЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 майдаги «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 115-сон қарори** билан «Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти» объекти бўйича бош лойиҳачи ва бош пудратчилар томонидан бажариладиган ва буюртмачиларга – Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига тўлов учун тақдим қилинадиган лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишлари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича «ноль ставкаси» қўлланилиши белгиланган. «Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти» объекти бўйича бош пудратчи ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ушбу объектни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун улар томонидан келтириладиган асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва мебеллар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинди.

### ОДАМ САВДОСИ ҚУРБОНЛАРИ ЙИҒИМЛАРДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 июндаги 117-сон қарори** билан 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ЎРҚ-154-сон Қонун билан мувофиқлаштириш мақсадида ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифларига изоҳларга киритилган қўшимчага кўра одам савдоси қурбони бўлган республика фуқаролари уларнинг шахсини аниқлаш (уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда) ва уларга Ўзбекистонга қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни тўлашдан озод қилинадилар. Бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартишлар киритилди.

### КИМ УСТУВОР МАВҚЕГА ЭГА?

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 27 майда 1064-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (2001 йил 15 сентябрдаги 1064-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Улар билан ижобий рақобат меъёрларидан четга чиқишларнинг олдини олиш, ўз мавқеларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик мақсадида товар бозорларида устувор мавқега эга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш учун мазкур реестр юритилиши аниқлаштирилган. Ушбу қоиданинг бўлиши Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан белгиланади. Стандартлаштириш органлари томонидан берилган тегишли ҳужжат мавжуд бўлганда бозорга ўзига ўхшаши бўлмаган ҳамда талабгир бўлган янги товар билан кириб келган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолати уч йил давомида устувор деб тан олинмайди.

**2008 йил 6 июндан кучга кирди.**

### ЗАХИРАДА НИМА БОР?

**Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2008 йил 28 майда 1816-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*.

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар — Янги ҳужжатлар янгиликлари
2-3-бетлар — Бюджет ижроси халқ мафаати учун
4-5-бетлар — Баҳолаш фаолияти ислоҳоти
11-бет — Низо хўжалик судида ҳал этилди

$1 = 1308,77 сўм  €1 = 2027,94  £1 = 2565,97 сўм  ¥10 = 124,28 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon•7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган ва давлат даромадига ўтказиладиган озиқ-овқат товарлари пулли асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига берилади ҳамда савдо ташкилотларининг ихтисослаштирилган омборхоналарида сақланади. Ушбу товарлар фақат юқорида кўрсатилган органлар қарорига кўра сотилади. Улар томонидан белгиланган савдо ташкилотлари Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари билан озиқ-овқатни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномаларини тузишлари шарт. Товарлар сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда сотилади.

**2008 йил 7 июндан кучга кирди.**

### ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ССУДА

**Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма қарори билан *(АВ томонидан 2008 йил 29 майда 1818-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2008 йилда олий таълим муассасаларига фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Улар иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов ва стипендиялар тўлаш бўйича харажатларни қоплаш учун тегишли вазирлик ёки идоранинг ёзма талабномаларига мувофиқ ажратилади. Мурожаат қилиш учун асос бўлиб мазкур харажатларни қоплаш учун олий таълим муассасаларининг улар томонидан тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳисобидан шакилланадиган бюджетдан ташқари маблағларнинг етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бюджет ссудасини қайтариш муддати 2011 йилдан бошлаб уни сўндириш жадвали билан белгиланади.

**2008 йил 8 июндан кучга кирди.**

### АНОНИМ ҲИСОБВАРАҚ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 31 майда 1080-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Энди ваколатли банкларда резидент жисмоний шахсларга аризада, кирим касса ордерида ҳамда омонат дафтарчада омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмасдан, шунингдек, имзо намунаси расмийлаштирмай тақдим этувчига тўланадиган омонатлар бўйича миллий валютадаги ҳисобварақлар очилиши мумкин. Бундай омонатни бериш омонат дафтарчаси тақдим қилинганда амалга оширилади.

**2008 йил 10 июндан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 24 майдан 6 июнгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 22-23-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

# БЮДЖЕТ-2008:

***Ўтган сонда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 2008 йилнинг I чораги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланганги ҳақида маълумот берган эдик. Мавзунинг давоми сифатида қуйида мухбиримизнинг саволларига Қонунчилик палатаси депутатлари жавобларини чоп этмоқдамиз.***

## ИМКОНИЯТЛАР БИР ТАЛАЙ, ТАШАББУС ЭСА – ОЗ...

**Абдурафиқ АҲАДОВ, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:**

– Бугунги кунда бюджет ижросига халақит берадиган ҳал қилинмайдиган муаммолар мавжуд деб бўлмайди. Унинг маблағларидан оқилона фойдаланиш устидан молиявий назоратнинг барча воситалари етарлича самара билан ишламоқда, бу борада барча масалаларни тартибга солиш учун қонунчилик базаси барпо этилган. Бироқ уларнинг баъзиларини ва, аввало, энг оғриқлиси – хўжалик юритувчи субъектларнинг боқимондалари муаммосини имкони борича тезроқ ҳал этишни хоҳлардик. Бугунги кунда мавжуд барча имкониятлар ва преференцияларга қарамай, уларнинг кўпи ҳали ҳам бозор конъюнктурасига етарли даражада киришиб кетишмаган, бу эса пировардида бюджетнинг даромад қисмига таъсир кўрсатяпти.

Иккинчи муаммоли масала – бир қатор минтақалар маҳаллий ҳокимият органларининг суст ишлаши, улар ўз минтақаларининг даромад ва харажатларини мувозанатга келтириш, ишлаб чиқаришни барпо этиш ва инвестицияларни жалб этишни уддалай олмаяптилар. Шундай қилинганда бозор истеъмол товарлари билан тўлган, аҳолини банд қилиш муаммоси, бошқа ижтимоий масалалар ҳал қилинган бўлар эди.

Ушбу масалалар лозим даражада ҳал этилган баъзи минтақаларда ишлар яхши бормоқда, баъзиларида эса ёмонроқ. Ҳар бир вилоятнинг салоҳияти мавжуд, бироқ ҳамма вилоятлар ҳам, айниқса дотация оладиган Жиззах, Сурхондарё, Наманган вилоятлари улардан фойдаланяпти деб бўлмайди.

Туризм соҳасини олайлик... Оддий бир мисол: бизда ушбу соҳада ҳозирча муносиб сервис барпо этилмаган бўлса-да юртимизга бутун дунёдан сайёҳлар келишмоқда. Туристларга шинам шароит яратиб, замонавий коммуникация воситалари – телефон, факс, Интернет, почта ва ҳоказолардан фойдалана оладиган, комплекс хизматлар кўрсатиладиган, шу жумладан транспорт ва тиббий ёрдам билан таъминланадиган хусусий меҳмонхоналарнинг бутун бир тармоқларини барпо этиш мумкин. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Давлат солиқ имтиёзлари бериб, кредитлаш тартибини соддалаштириб, қулай инвестиция шарт-шароитларини яратди. Имкониятлар жуда кўп, ташаббус эса етишмайди.

Пул йўқми – уни банкдан олинг, муаммо нимада ўзи? Кредитлашнинг соддалаштирилган, имтиёзли шакллари, лизинг, микролизинг, микрокредит сингари молиявий дастаклар мавжуд. Бироқ, тасаввур қилинг, юртимизда бугунги кунда



бир сўм ҳам банк кредити олмайдиган туманлар бор!

***– Биринчи чорак якунларидан келиб чиқиб, ҳозир биз 2008 йилда йиллик бюджетнинг прогноз параметрларини бажара олишимиз ёки бажара олмаслигимизни айта оламизми?***

– Йилнинг бошланиши иқлим жиҳатидан мураккаб – анча совуқ бўлди, бу эса, табиийки, айрим тармоқларга таъсир кўрсатди. Мисол учун, қурилиш сингари тармоқларга. Бироқ асосий кўрсаткичлар: ЯИМ, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, инфляция даражаси ва ҳоказолар бўйича биз белгиланган вазифаларни бажара олишимизга ишонч туғдиради.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 10 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1250,53 | 1 Польша злотийси | 601,48 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2565,97 | 1 СДР | 2120,02 |
| 1 Дания кронаси | 271,96 | 1 Туркия лираси | 1062,66 |
| 1 БАА дирҳами | 356,34 | 1 Швейцария франки | 1257,22 |
| 1 АҚШ доллари | 1308,77 | 1 ЕВРО | 2027,94 |
| 1 Миср фунти | 245,16 | 10 Жанубий Корея вони | 12,83 |
| 1 Исландия кронаси | 17,19 | 10 Япония иенаси | 124,28 |
| 1 Канада доллари | 1299,03 | 1 Россия рубли | 55,08 |
| 1 Хитой юани | 188,78 | 1 Украина гривнаси | 269,74 |
| 1 Малайзия рингги | 404,08 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 11.06.2008 | 1 | 0,8185 | 1 | 1,2669 | 1 | 0,0345 |
| Арманистон | 11.06.2008 | 1 | 307,26 | 1 | 475,98 | 1 | 12,97 |
| Беларусь | 12.06.2008 | 1 | 2129,00 | 1 | 3300,16 | 1 | 89,93 |
| Грузия | 11.06.2008 | 1 | 1,429 | 1 | 2,2205 | 1 | 0,0605 |
| Қозоғистон | 12.06.2008 | 1 | 120,72 | 1 | 186,97 | 1 | 5,1 |
| Қирғизистон | 7.06.2008 | 1 | 36,2886 | 1 | 56,612 | 1 | 1,5324 |
| Латвия | 12.06.2008 | 1 | 0,454 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0192 |
| Литва | 12.06.2008 | 1 | 2,2252 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,4047 |
| Молдава | 11.06.2008 | 1 | 10,1348 | 1 | 15,7114 | 1 | 0,4282 |
| Тожикистон | 12.06.2008 | 1 | 3,4298 | 1 | 5,3251 | 10 | 1,4487 |
| Ўзбекистон | 10.06.2008 | 1 | 1308,77 | 1 | 2027,94 | 1 | 55,08 |
| Украина | 11.06.2008 | 100 | 485,15 | 100 | 753,2439 | 10 | 2,0548 |
| Эстония | 11.06.2008 | 1 | 10,107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,42648 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

*2008 йил 10 июнь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси*

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1320,00 | 1322,00 | 2035,00 | 2065,00 |
| "Асака" банки | 1320,00 | 1322,00 | 2028,00 | 2033,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1321,00 | 1323,00 | 2029,00 | 2043,00 |
| "Пахта Банк" | 1321,00 | 1323,00 | 2035,00 | 2040,00 |
| "Халқ банк"и | 1320,00 | 1322,00 | 2028,00 | 2040,00 |
| "Ипотекабанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2029,00 | 2035,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2028,00 | 2043,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1320,00 | 1323,00 | 2031,00 | 2056,00 |
| "UzKDBбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2028,00 | 2043,00 |
| "Ғаллабанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2028,00 | 2037,00 |
| "Трастбанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2028,00 | 2038,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1320,00 | 1322,00 | 2037,00 | 2042,00 |
| "Алоқабанк" | 1321,00 | 1323,00 | 2029,00 | 2044,00 |
| "Ў-Т банк" | 1320,00 | 1323,00 | 2029,00 | 2049,00 |
| "Туронбанк" | 1320,00 | 1322,00 | 2028,00 | 2048,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1320,00 | 1323,00 | 2030,00 | 2045,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1321,00 | 1323,00 | 2030,00 | 2040,00 |
| "Туркистон" банк | 1321,00 | 1323,00 | 2027,00 | 2032,00 |
| "Даврбанк" | 1320,00 | 1322,00 | 2050,00 | 2068,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1321,00 | 1323,00 | 2028,00 | 2058,00 |
| "Капитал банк" | 1321,00 | 1323,00 | 2028,00 | 2058,00 |
| "Содерат банк" | 1320,00 | 1322,00 | 2035,00 | 2065,00 |
| "Универсалбанк" | 1320,00 | 1323,00 | 2045,00 | 2049,00 |
| "Парвинабанк" | 1320,00 | 1323,00 | 2030,00 | 2033,00 |
| "Равнақбанк" | 1320,00 | 1322,00 | 2035,00 | 2065,00 |

*"Банк ахборотномаси" 26-сон (633) 2008 йил 11 июнь.*

УШБУ СОНДА:


✓ ҚОНУНЧИЛАКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-бет
✓ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА
– Бюджет – 2008: профицит ва назорат 2-3-бетлар
– Валюталар курси 4-5-бетлар
✓ НУҚТАИ НАЗАР
– Баҳолаш фаолияти: холис баҳоловчиларга кенг йўл 6-бет
✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
– Шахсий «Lacetti»да буюртмачилар ҳузурига 7-10-бетлар
– Олимдан нима олинади? 11-бет
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Идоравий-меъёрий ҳужжат:
– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори 12-16-бетлар
✓ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ
– Брокернинг масъулияти
✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА

# ПРОФИЦИТ ВА НАЗОРАТ

Илгари мен банк соҳасида ишлаганман, шу боис у бугун ҳам мен учун қизиқарли. Банкларимизнинг рейтинги, айниқса халқаро рейтинги ошганлиги кишини қувонтиради. Хориждаги бўлғуси инвесторлар, албатта, бу омилни ҳам баҳолайдилар. Қонунчилик базаси бугунги кунда барча банкларга тенг шароитларда ишлаш имконини бермоқда.

– ***Гапингизга кўра қонунчилигимиз бюджет борасида ҳамма нарсани ҳисобга олган. Шундай бўлса-да, Қўмита мажлисида ўтган йил якунлари ва жорий йилнинг I чораги якунларини муҳокама қилаётганда депутатлар Молия вазирлиги вакилларига шундай саволлар бердиларки, улар, эҳтимол, айрим масалаларнинг охиригача тартибга солинмаганлигидан гувоҳлик берар. Хусусан, ижтимоий нафақалар бериш билан боғлиқ баъзи муаммолар тўғрисида сўз борди.***

– Кейинги 5-6 йил ичида жуда кўп маблағ – 2007 йилда 40 млрд, жорий йилнинг I чорагида 12 млрд сўм ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туришга ажратилди ва айни улар ушбу муҳим масалада тартиб бўлиши учун жавобгарлар. Уларда муаммолар мавжуд, демак, жойларда иш яхши йўлга қўйилмаган. Балки бу ҳол ходимлар малакаси пастлиги масаласи билан боғлиқдир. Ҳокимликлар бунга лозим даражада эътибор қаратмаётганликлари ҳам сабабчидир. Лекин масала етарли даражада аниқ тартибга солинмаган деб бўлмайди. Қонунчилик фуқароларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ барча саволларга жавоб беради.

– ***Молия вазирлигининг вакили депутатларга бугунги кунда оналарнинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда уларга болани парвариш қилиш нафақасини тўлаш лозимлигини айтди. Бу фикрни давлатнинг ижтимоий ва демографик сиёсати нуқтаи назаридан қандай баҳоласа бўлади?***

– Илгари – мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу нафақа истисносиз ҳамма оналарга берилган эди. Ҳозирги вақтда бу нафақалар аниқ манзилли қилиб – ҳақиқатда бунга муҳтож бўлганларга тақсимланмоқда. **Ижтимоий нафақаларни тайинлаш** учун маълум бир мезонлар ва объектив асослар бўлиши керак.


• РЕКЛАМА

"Картрижларни Тўлдириш Маркази"
*муваффақиятингиз учун комплекс ечим*
919-30-40
*картрижлар, принтерлар, копирлар, ШКларни*
ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ
7 777 сўмдан бошлаб
"Trade in" хизмати


## ГУЛЛАБ-ЯШНАГАН БЎЛАРДИК, АГАР...

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси**
*(«Адолат» СДП фракцияси):*

– Маълумки, давлатимиз бюджетидан халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимига ҳар йили кўп миқдорда маблағ ажратилади. Мен шифокор ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси сифатида биринчи навбатда ана шунга эътибор қаратаман. Фикримча, ушбу соҳаларда бюджет интизомини бузишлар, бюджетнинг ғазначилик ижроси фаол жорий этилишига қарамай, сустлик билан бартараф этилмоқда. Вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларида ўтган йили ўтказилган тафтишлар, текширувлар ва мониторинг натижалари бизда амалда бюджет маблағлари суиистеъмол қилинмаган бирорта ҳам тармоқ ёки соҳа мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланаётганида ҳар бир сўм аниқ эҳтиёжларга сарфланиши белгиланади. Ўтган йили 13 млрд сўмдан зиёд маблағ суиистеъмол қилинганлиги аниқланди, қанчадан-қанча далиллар эса, эҳтимол, ҳали фош этилмагандир...

Молия вазирлиги Бош назоратТафтиш бошқармаси ва Бош НТБ ҳудудий бўлинмаларининг статистикаси бизни ҳайратга солади... Халқ таълими вазирлиги бўйича ўтган йили текширилган 2 253 ташкилотнинг 1 701 тасида бюджет интизомини турлича бузиш ҳоллари аниқланган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйича – 51 муассасанинг 42 тасида шундай ҳолни кўрамиз. Ўрта махсус таълим марказида 854 ҳолдан 704 тасида, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизими муассасаларида 376 ҳолдан 244 тасида жарима тўлашга мажбур бўлинган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича – 2 085 ташкилотдан 1 632 тасида ажратилган маблағлар ноқонуний равишда сарфланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2 753 ҳолдан 2 317 тасида амалда бошқаларнинг маблағларини ўзлаштирганлар! Яъни, айтиш мумкинки, амалда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликлар мавжуд. Ахир маҳалла қўмиталари зиммасига бугунги кунда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашдек ғоятда муҳим вазифа юкланган... Ўйлашимча, ушбу жиҳатга жуда жиддий эътибор қаратилиши керак.

Кўринишича, жойларда баъзи бир қуйи бюджет ташкилотларига унчалик саводли бўлмаган раҳбарлар ёки фақат бойиш мақсадини кўзлайдиган масъулиятсиз шахслар бошчилик қилишяпти. Мен Баҳром Ашрафхоновга (Ғазначилик раҳбари, молия вазирининг ўринбосари) шундай савол бердим: ғазначилик бюджет ижросида бизга ёрдам беряптими? Унинг айтишича – ёрдам беряпти. Бироқ уни ҳамма жойда жорий этиш учун вақт керак, бюджет эса бизга бугуноқ зарур.

Ўзбекистон бугунги кунда барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича олға қараб салмоқли қадамлар қўйди, ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, тараққиётимизни жаҳон ҳамжамияти тан олди. Агар давлат томонидан тамомила аниқ энг муҳим масалаларни, айниқса ижтимоий соҳада, ҳал этишга йўналтирилаётган маблағларни ҳеч ким талон-торож қилмаганида эди, республикамиз қанчалик гуллаб-яшнашини тасаввур қилиш мумкин.

– ***Ҳарқалай ҳуқуқбузарликлар аниқланмоқда, кимлардир жазоланмоқда... Ўйлашимча, бугунги кунда кўп корхоналар текширилди, бироқ суиистеъмолликлар аниқланмади деб хулоса чиқарилган статистика кўпроқ қўрқитган бўларди.***

– Фикрингизга қўшиламан. Назорат-тафтиш органлари ҳам кейинги вақтда масъулиятлироқ бўлиб қолишди, кўп суиистеъмолликларни аниқлашмоқда, бу кишини қувонтиради. Бироқ шахсан мен айрим соҳаларни молиялаш механизмлари ёки қоидаларини яхшироқ тушуниб олишни хоҳлардим.

Мисол учун, соғлиқни сақлашни олайлик. Шубҳасиз, фуқаролар саломатлигини сақлаш борасида биз муайян муваффақиятларга эришдик, тиббиёт ходими сифатида бундан жуда хурсандман. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида раҳбарлигида бепул тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим барпо этилди. Жарроҳлик, кардиология, кўз микрожарроҳлиги ва урология соҳасида республика ихтисослашган тиббий марказлари ташкил этилди. Соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинида жиддий ўзгаришлар юз берди: минтақаларда кам самарали қишлоқ фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнига тўлақонли даволаш пунктлари барпо этилмоқда, умумий амалиётдаги малакали шифокорлар уларда ишлашга жалб этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши, бироқ...

Ўз сайлов округимга келганда ёки бирор жойга хизмат сафарига борганимда албатта қишлоқ даволаш пунктларига кираман. **Кутиб олинадиган ва махсус тайёргарлик кўриладиган «комиссия» эмаслигим боис, тўсатдан боришим туфайли, ҳақиқий аҳволни кўришга муваффақ бўламан... Кўпинча уларда шошилинч вазиятларда зарур бўладиган дори воситаларининг тўлиқ мажмуи бўлмайди. Препаратлар бир қисмининг ишлатиш муддати ўтиб кетган, баъзи дорилар умуман йўқ, бошқалари ҳаддан ташқари арзон ва сифатсиз бўладиган ҳоллар учраб туради.** Ахир бу ер қишлоқ – олис пункт: агар кимнидир илон чақиб олса ёки юрак хуружи тутиб қолса, бошқа шошилинч ёрдам бериладиган ҳол юз берса, беморни шаҳарга олиб боришнинг иложи йўқ. Ёрдамни шу ерда, жойнинг ўзида кўрсатиш лозим. Президентимизнинг ғояси шундан иборатки, малакали тиббий ёрдамни республиканинг исталган фуқароси ўзи яшаётган жойда олиши керак.

– ***Бунга етарли бўлмаган молиялаш сабабми ёки яна «инсон омили»ми?***

– Мен ҳам шуни билишни хоҳлардим. Бироқ, афсуски, қишлоқ даволаш пунктларини дори воситалари билан таъминлаш ёки ушбу мақсадларда уларни молиялаш механизмларини аниқлаш учун қаерга бормай, турли жавоб оламан... Сендан тезроқ қутулишни хоҳлаган пункт мудирлари ўз билганларича тушунтириш берадилар. Мен ҳозиргача уларни дорилар билан таъминлашнинг қонуний ва ҳақиқатдаги механизмини тушуниб етганим йўқ.

## ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ҚЎШИМЧА ТУШУНТИРИШЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ...

**Алия ЮНУСОВА,**
**Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси**
(Ўз ХДП фракцияси):

– Сайловчилар билан февраль ойидаги учрашувларда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парваришлаш бўйича оналарга нафақа тайинлашнинг янги тартиби тўғрисида бизга жуда кўп савол беришди.

Уни бериш тартиби ўзгарди, бюджет соҳасида банд бўлган аёллар бугунги кунда нафақа олишда турли муаммоларга дуч келишмоқда. Агар илгари ушбу мақсадлар учун фақат онанинг аризаси ва боланинг туғилганлик гувоҳномаси зарур бўлган бўлса, энди мазкур нафақани тўлаш кам таъминланган, муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга тенглаштирилди.

Мисол учун, бир корхонада менга ёш аёл шундай савол билан мурожаат қилди: у оиласи билан пенсионер бувиси ва талаба укаси турадиган бир уйда яшайди. Нафақа тайинлаш масаласини ҳал этаётиб, маҳалла қўмитаси нафақат боланинг ота-онаси, балки ана шу икки қариндошнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотномаларни ҳам талаб қилган. Тўғри, бу тўловнинг янги тартибига мувофиқ, бироқ ҳар ҳолда боланинг ота-онаси бюджетига яна бир оила аъзосининг стипендиясини ёки пенсиясини ҳам қўшиш аслини олганда қанчалик тўғри? Зеро нафақа **аёлга болани** қўшимча овқатлантириш учун тайинланади, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлащдагидек бутун оиланинг даромадларини жамлаш жоиз эмас. Бир неча аёл шундай савол берди: агар бола туғилган вақтда эрим фуқароликка эга бўлмаган ва, тегишинча, рўйхатдан ўтмаган бўлса, нима қилиш керак? Ёки эри кетиб қолган ва ундан ҳеч қандай дарак йўқ бўлиб, хотини эса бирор-бир сабабга кўра ажрашишга ариза беришни хоҳламасачи? Албатта, янги тартиб боқимондаликни тубдан йўқотишга йўналтирилган, бу тушунарли ва тўғри. Бироқ муҳтожликни аниқлаш масаласида керакли маълумотноманинг йўқлиги муаммоси туфайли бола жабр кўрмаслиги керак.

Баъзан нафақа бериш рад этилган аёл чақалоқни бирорта қариндошига қолдириш ва ўзи ҳамда боласини моддий жиҳатдан таъминлаш учун ишга чиқиш тўғрисида қарор қабул қилади. Иш берувчи эса унинг ўрнига бошқа кишини ишга олиб бўлган, чунки аёл болани парвариш қилиш таътилидан бунчалик тез қайтиб келишини кутмаган. Натижада ҳал қилиш мушкул бўлган вазият юзага келади.

Бундай ҳоллар амалиётда жуда кўп. Сайловчилар билан учрашувлар бугунги кунда айни ушбу нафақага жуда ҳам муҳтож бўлган аёллар уни ола олмасликларини кўрсатмоқда. Кўпларнинг саволларга биз ҳам жавоб беришда қийналдик.

Ўйлашимча, ушбу мушкулликларга кўпроқ эътибор бериш, кўп учрайдиган муаммоларни таҳлил қилиш ва турли вазиятлар учун қандайдир мақбул ечимни топиш зарур. Ахир давлатимиз ҳар доим оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига, соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор бериб келади-ку.

Бундан ташқари, менимча, бўлғуси ота-оналар ҳамда ушбу нафақага давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайдиган маҳалла қўмиталарининг ходимлари ўртасида ҳеч бўлмаганда матбуот саҳифаларида катта тушунтириш ишини олиб бориш лозим. Давлат ҳақиқатан ҳам моддий аҳволи юқори даражада бўлган оилаларни нафақалар билан таъминламаслиги керак, бироқ бунга объектив равишда муҳтожларни четлаб ўтиб бўлмайди.

– ***Сизнингча, ушбу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?***

– Билишимча, ривожланган мамлакатларда (масалан, Францияда) шундай амалиёт мавжуд: агар оилага болани парвариш қилиш учун нафақа тайинланса, унга ижтимоий ходимлар ҳомийлик қилиб, нафақадан мақсадга мувофиқ фойдаланилишини назорат қиладилар. Агар нафақа олаётган ота-она болага яхши қарамаса, ўз вақтида сифатли овқат бермаса, тарбияси ва таълими билан шуғулланмаса, бу ҳол аниқлангач, улар давлатнинг ушбу молиявий ёрдамидан маҳрум қилинишлари мумкин. Бунда, бола, албатта, фақат ушбу пул эвазига парвариш қилинмайди. Улар оила бюджетига қўшимча ҳисобланади ва давлат томонидан қатъий мақсадли фойдаланиш шарти билан ажратилади.

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбир.***

# БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ: ХОЛИС БАҲОЛОВЧИЛАРГА

***Ўзбекистон баҳоловчиларини қутлашга сабаб бор. Мамлакатимиз Президентининг ПҚ-843-сон қарори[1] билан Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги янги низом тасдиқланди. Айтиш жоизки, бу ҳужжат баҳолаш жабҳасидаги қоидаларни тубдан, шиддат билан ўзгартириб юборди. Баҳолаш фаолиятининг амалдаги норматив ва услубий базасини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, кексаларимиз айтмоқчи, дўппини қўйиб яхшилаб ўйлаб кўрилса, янгиликларнинг ҳаммаси яхшиликка бўлаётганлиги равшан бўлади...***

***Умуман олганда вазият кейинги йилларда аудиторлик жабҳасида содир бўлган манзарани эслатади. Мутахассисларнинг ялпи қайта аттестация қилиниши, лицензия талаблари кучайтирилганлигига профессионал ҳамжамиятнинг баъзан ўринли, баъзан ўринсиз муносабат билдирганлиги, аудиторлар тайёрлаш ишидаги «сархил соҳа»ларни қўлга киритиш учун қизғин рақобат, қилинаётган ишларга баъзан шубҳа билан, ёқинқирамагандай қараш авжига чиққанлиги ана шу соҳа, яъни ташқи ва ички аудит соҳаси мутахассисларига талаб кескин кучайган бир шароитда кечди.***

***Баҳоловчилар ҳам ҳадемай якка тартибда тадбиркорлик ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. 1 июлдан эътиборан баҳолаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган бўлади. Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар баҳоловчи ташкилотлар устав жамғармаларини тўлдириб, тўлиқ шакллантириб олмоқлари, керакли миқдорда баҳоловчи мутахассислар тўпламоқлари, янги дастурлар асосида улар таълимини таъминламоқлари, суғурта қилдирмоқлари, ҳамкорлик, ўриндошлик асосидаги шартномаларни бекор қилмоқлари, «нобоп» раҳбарларни алмаштирмоқлари, қайта аттестациялаш ва қайта лицензиялаш ишларини ўтказмоқлари, иш сифатига оид ички регламентларини тасдиқламоқлари керак. Ана шу ишларнинг ҳаммаси унинг тўла мустақиллиги таъмин этилган ҳолда амалга оширилиши керак.***

## МУТАНОСИБ ҚОИДАЛАР КЕРАК

**Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти бошқаруви аъзоси Искандар АБДУРАҲМОНОВ:**

– Бундай ҳужжатнинг давлат бошлиғи қарори даражасида қабул қилиниши баҳолаш фаолияти бугунги кунда анчагина муҳим соҳа сифатида хўжалик фаолиятининг етакчи йўналишларига дохил эканлигидан далолат беради. Мустақил баҳолаш давлат мулкини хусусийлаштириш, ипотека кредити ажратиш дастурларининг, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги суд низоларини ҳал этишнинг, ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ёки уларнинг фаолиятини тугатиш, мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш, ер участкалари келгусида хусусийлаштирилиши билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг бағоят муҳим ва муқаррар бўғинидир.

Ўйлашимча, бугунги кунда баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини, шунингдек баҳолаш соҳасини давлат йўли билан бошқаришни тубдан яхшилаш зарурлигини тўлиқ англаб етдик. Мамлакат Президенти қарори доирасида тартибга солиш ва бошқариш деганда баҳоловчилар фаолиятини назорат этишгина эмас, балки сертификатлашнинг самарали тизимини, шу жумладан сифатли касбий тайёргарлик ва малака оширишни ҳам ўз ичига олган тизимни ташкил этиш, баҳолашнинг норматив ва услубий базасини, энг аввало баҳолаш стандартларини яратиш ҳам тушунилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, **шу кунга қадар амал қилиб келганидан бошқачароқ, муқобил қоидаларни белгилаш зарур.**

Баҳоловчи ташкилотларга ҳамда уларнинг устав жамғармасига нисбатан қўйилаётган янги талаблар ечимини топиш мумкин бўлган вазифалар сирасига киради. Керакли миқдорда баҳоловчилар тўплаш ҳам унча мураккаб эмас. Биз учун ҳозир энг асосий, энг долзарб масала норматив ва услубий базадир. Бунда у ёки бу тарафга ҳаддан зиёд оғиб кетмаслик, аввало баҳолаш жараёнининг ўзини керагидан ортиқча тартибга солиш ва бошқаришга уринишдан қочиш зарур. Баҳоловчига профессионал сифатида фикр билдириб, ўз сўзини айтишига имконият қолдириш, услубиятнинг қатъий белгилаб қўйилган, кўпинча объектнинг ўзига хос жиҳатларига мутаносиб бўлмаган талабларига кўр-кўрона риоя этишга уни мажбурламаслик керак.

***– Одатда бундай ҳолларда халқаро тажриба асос, андоза қилиб олинади. Қолаверса, ҳамонки аллақачон синовдан ўтган, озми-кўпми самара бераётган ва маҳаллий шароитга мослаштирса бўладиган схемалар бор экан, уларни яна ўйлаб топиш ҳақида бош қотириб ўтиришда маъни бормикин?***

– Биз ишни бошидан бошлаяпмиз дея олмайман. Давлат мулки қўмитасида аккредитациядан ўтган бир қанча ўқув марказлари қатор йиллардан бери баҳоловчилар тайёрламоқда. Шундай ўқув марказлари жумласига Самарқанд халқаро бизнес мактаби, қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий маркази, «Таълим-маслаҳат» масъулияти чекланган жамияти, Республика бизнес мактабини киритиш мумкин. Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази, Корпоратив бошқарув маркази ва Олий бизнес мактаби баҳолаш услубияти ва амалиёти муаммолари бўйича мунтазам равишда семинарлар ўтказиб келмоқда. Аммо мамлакат Президентининг қарорида мамлакатимиздаги баҳолаш хизматлари сифати қониқарсиз деб баҳоланганлиги муносабати билан ана шу тайёргарлик сифатига ҳам муайян даражада шубҳа соя солди. Демак, бугунги кунда ана шу дастурларнинг ҳаммаси қайта кўриб чиқилмоғи лозим. Бундан ташқари шу йўналишда олдимизда турган яна бир муаммо юқори малакали ўқитувчиларга талаб-эҳтиёж кескин кучайганлиги билан боғлиқдир.

***– Бу ишларга анча вақт керак шекилли...***

– Кимдир сентябрга қадар аттестат олишга улгурмаса, бунинг қўрқинчли тарафи йўқ деб ўйлайман. Унга очиқ-ошкора, рисоладагидек жараён деб қараш керак. Қарорда, менимча, айни ўша санага қадар биз ҳаммамиз бир бўлиб расман қайта рўйхатдан ўтишимиз лозим эканлигига урғу берилмаяпти. Бу ерда гап бошқа ёқда. Баҳолаш фаолияти мамлакатимиз учун жуда муҳим бўлгани ҳолда баҳолаш билан



шуғулланаётганларнинг малакаси ва баҳоловчи компанияларнинг иш сифати ҳозирча талаб даражасида эмаслигига эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, бу йўналишда қатъий иш олиб бориш зарур.

Барча баҳоловчи ташкилотлар шундоққина қайта рўйхатдан ўтиш учун борадилар дейиш соддалик бўлур эди. Негаки, баъзиларида муассислар ўзгариши мумкин, корхоналарнинг қўшилиши, янгилари пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам бор.

***– Баҳолаш компанияларига доир лицензия талаблари доираси анча кенгайди. Бу талабларга монанд равишда иш олиб бориш баҳолаш компанияларига осон бўлмаса керак?***

– Бугунги кунда ана шу талаблар оширилганлигининг объектив сабаблари бор. Биз маълум амалий тажриба орттирдик ва бу тажриба баҳоловчининг фаолиятига нисбатан қаттиқ дейишдан кўра янада амалийроқ деса бўладиган талабларни қўйиш имкониятини бермоқда.

Миллий баҳолаш стандартларига риоя этиш илгари ҳам лицензия талаби ҳисобланарди. Аммо муаммо шундаки, бу соҳадаги миллий стандартлар тизими теран равишда ишланиб, маромига етказишни талаб қилмоқда, мамлакатимиз Президентининг қарорида ҳам шу хусусда айтиб ўтилган. Бинобарин, тизим яхлит, етарли даражада бир хил тушуниладиган ҳамда талқин этиладиган бўлмоғи лозим.

Ҳозирги кунда бизда таянч тушунчалар ва қийматнинг таянч турларини тартибга солиб бошқарувчи ҳадли миллий стандартлар бор. Аммо улардан бир қанча саволларга жавоб топиб бўлмайди, бу эса уларни ҳар хил талқин этишга, улардан ўз манфаати учун дастак қилиб фойдаланишга олиб келмоқда.

Кўпгина объектлар баҳолашнинг услублари ва талабларини белгиловчи ўзига хос жиҳатларга эга. Самолётлар, интеллектуал мулк, антиквариат, заргарлик буюмлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, технология машина ва ускуналари, ер қаъри ва фойдали қазилмалар шундай объектлар сирасига киради. Алоҳида талабларни аниқлаштириб олиб, уларни бундай объектларнинг бутун бир туркуми учун стандартлар даражасига кўтариш керак.

Мамлакатда микрокредитлаш институти ривожланиб бораётганлиги муносабати билан заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металлар ҳамда тошлар ва шу сингари баҳоловчи учун ғаройиброқ ҳисобланган ашёларни баҳолаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Зотан, ҳозирги кунда хусусий тадбиркорлар микрокредитлар олаётганда шундай буюм ва ашёларни баҳолашга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бундай объектларни баҳолашда йиллар мобайнида орттириладиган қўшимча билим ва кўникмалар керак бўлади. Шу сабабли баҳоловчиларни тайёрлаш курслари билан иш битмайди.

***– Заргарлик буюмларини баҳолаш ишини Пробир палатаси уддалай олмаяптими? Наҳотки, ҳаммаси баҳоловчига қараб қолган бўлса? Қолаверса бундай ҳолларда ана шу ва шунга ўхшаш муаммоларни баҳолашга турдош муассасалардан мутахассисларни жалб этиш йўли билан ҳал этса бўлади деб ўйлайман. Ё гапим нотўғрими?***

– Пробир палатаси давлат органи бўлиб, техник экспертизани амалга оширади ва маҳсулотга қимматбаҳо металлнинг асллик даражаси тамғасини уриб беради. Техник баҳолаш билан қиймат баҳосини чиқариш бутунлай бошқа-бошқа нарса.

Иқтисодчи, ҳуқуқшунос ёки муҳандисдан 300 ва ҳатто 500 соатлик тайёргарлик асосида ҳам қимматбаҳо тошлар бўйича эксперт (геммолог) ёки заргар эксперт тайёрлаб бўлмаслиги сабабли ҳам бу гапларни айтмоқдаман. Сир эмаски, ана шундай баҳолаш йўриқнома тарзидаги ҳужжатлар талаб этади. **Бугунги кунда умумий услубий доираларимиз қамровига кирмайдиган объектларга бот-бот дуч келмоқдамиз.** Масалан, мутахассис кўчмас мулкни учта усул, яъни даромад, харажат ва қиёслаш усули билан баҳолайди. Аммо бу усулларнинг бирортасини антиквариатни баҳолашга ҳам, заргарлик буюми, айтайлик, тилла узукни баҳолашга ҳам қўллаб бўлмайди.

***– «Баҳоловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш» лицензия талаблари қаторидан ўрин олганлигига қарамай, суғурта пули миқдори кўрсатилмаган. Бу масала нима сабабдан баҳоловчиларнинг ихтиёрида қолдирилган?***

– 1999 йилдан буён амал қилиб келаётган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунда баҳоловчиларни мажбурий суғурта қилиш назарда тутилмаган, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Шу сабабли ҳозирга қадар фуқаролик ёки касбий жавобгарликни суғурта қилиш биз учун ихтиёрийлик асосида эди. Аммо баҳоловчи баъзан ғоят катта миқдордаги ишлар билан бақамти келиши ва унинг фаолияти буюртмачига, мулкдорга, учинчи шахсларга, давлатга зарар етказиши мумкинлигидан, энг аввало, мутахассиснинг ўзини муҳофаза этиш тақозосидан келиб чиқиб, уни суғурта қилишга мажбурийлик юкланмоқда.

Суғурта пули миқдорига келганда, мутахассисларнинг бу борадаги фикри бир хил эмас. Жумладан, суғурта пули устав жамғармасига қиёсан белгиланмоғи керак. Бироқ бугунги кунда баҳоловчи устав жамғармасига қараганда ҳам, суғурта пулига қараганда ҳам ўн-йигирма баравар кўпроқ зарар етказиши мумкин. Шу сабабли ҳам зарар етказилиши эҳтимоли бўлганларга ҳар қалай кафолат бўлиши нуқтаи назаридан устав жамғармаси анча каттароқ миқдорда бўлиши белгиланди.

Бошқа жиҳатдан олганда, мижоз у ёки бу баҳоловчини танлаётганда баҳоловчининг суғурта пули миқдорини суриштириб қолиши мумкин. Негаки, бу кўрсаткич баҳоловчининг касб борасидаги обрў-эътибори, нуфузи, даражаси билан боғлиқ таваккалчиликлардан ҳимояланиш омилларидан биридир.

***– Баҳоловчи ташкилотларга нисбатан қўйилаётган лицензия талаблари жумласига баҳоловчиларнинг бир неча баҳоловчи компанияларда ўриндошлик асосида ишлашига йўл қўймаслик талаби ҳам киритилган. Дарвоқе, аудиторларда ҳам аҳвол шу. Талабнинг бу тахлит кучайтирилганлиги боиси нимада?***

– Бу жуда муҳим талаб. Баҳоловчи муайян бир даврда жорий фаолиятини фақат битта ташкилотда амалга ошириши мумкинлиги лицензиянинг айни шу талаблари билан белгиланмоқда. Баҳоловчи бир компаниядан бошқасига ўтиши мумкин, аммо бундай қилишдан аввал олдинги меҳнат шартномасини бекор қилиб, янги шартнома тузиши шарт. Бунда асосий гап баҳоловчи ташкилот билан ходим ўртасидаги жавобгарлик мезонини аниқ белгилаб қўювчи шартномавий муносабатларда бўлса керак.

Шу йўналишдаги яна бир янгилик баҳоловчи ташкилотда ўз баҳоловчилари иши сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички қоидалари бўлишидир. Бунда гап сифатни назорат қилишнинг хатолардан холи бўлиш имконини берадиган тизим, яъни ички назорат ҳақида бормоқда.

***– Назаримда, ички назоратнинг самарали амал қилиб турган тизими ва тасдиқланган ички қоидаларининг бўлиши бошқа-бошқа нарса. Яна аудиторлик компаниялари амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, уларнинг аксариятида ислоҳотлар бошлангунга қадар расман шундай қоидалар бўлган, лекин сифатнинг ҳақиқий назорати, афсуски, йўқ эди.***

– Бу қоидалар, сизнингча, баҳоловчига керакми ёки лицензия берувчи органга?

***– Энг асосийси, баҳоловчига керак. Бу қоидалар ўзига кераклигини у тушуниб олиши, нима учун кераклигини ҳам тўла англаб етиши зарур.***

– Назоратнинг самарали тизими шу ишга пул киритгани учун муассисларга, ўз ишлари оқибати учун зиммаларига чинакам жавобгарлик юклатилганлиги сабабли баҳоловчи ташкилот раҳбари ва баҳоловчиларнинг ўзига, мустақил баҳолаш

---

[1] *Президентнинг 2008 йил 24 апрелдаги «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-843-сон қарори.*

[2] *1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 223-XII-сон ҳамда 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги 763-I-сон қонунлар.*

# КЕНГ ЙЎЛ

сифатига амалда кўп нарса боғлиқ эканлиги сабабли муайян баҳоловчи компания хизматларидан фойдаланаётган истеъмолчиларга бағоят зарурдир. Назоратнинг бундай тизими лицензия берувчи органга баҳолаш соҳасида профессионал фаолият олиб бориш учун берган рухсатномалари ишончли бўлишини таъмин этади.

Қолаверса, талаб давлат томонидан белгиланади, ана шу қоидаларнинг ишлаши эса ҳар бир муайян баҳоловчи ташкилотнинг ўзига, таваккалчилик билан олиб борадиган ишларига боғлиқдир. **Ҳарқалай, лицензия талаблари ҳатто расмиятчилик учун бажарилишининг ўзи ҳам иш сифатига ижобий таъсир этади деб ўйлайман.**

Кейинги йилларда баҳолаш хизматлари бозоридаги рақобат ҳажм ортидан қувиб, ўз хизматлари баҳосидан ташқари сифатни, баъзан эса ахлоқ-одоб қоидаларини қурбон қилиш ва топташдан ҳам тортмайдиган талайгина баҳоловчи ташкилотларни юзага келтирганлигини яширишнинг ҳожати йўқ. Касб бобида нуфузини баланд тутиб, ўз фаолиятини ахлоқ-одоб принципларига қатъий риоя этган ҳолда олиб бораётган баҳоловчи компанияларга кенг йўл очиб берадиган дамлар келди деб ўйлаймиз. Улар қулай мавқени эгаллаб, қоидалари ҳам, рейтинглари ҳам, бўлак ижобий жиҳатлари ҳам борлигини баралла айта оладилар. Рейтинг баҳолаш тизими ҳам шунга ёрдам беради: бундан буён рейтинг баҳоларини шакллантириш ҳуқуқи баҳоловчиларнинг жамоат бирлашмаларига берилгани қўл келди.

***– Баҳоловчиларнинг жамоат бирлашмалари ҳақида сўз борганда, шу пайтгача мезон сифатида қаралаётган усул, яъни баҳоловчиларни аудиторлар билан қиёслаш жилла тўғри бўлмаса керак. Зотан, аудиторларда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Аудиторлар палатаси бор. Баҳоловчиларда эса Ўзбекистон Баҳоловчилар жамиятидан бўлак ташкилот йўқ...***

– Аудиторларда Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси ҳам борлигини маълумотингиз учун айтишим мумкин.

Гап шундаки, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунлар[2] билан бир қаторда бизга 1999 йилдаёқ касб бўйича бирлашмага бирлашиш ҳуқуқини берган эди. Баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи қонун қабул қилинмасиданоқ, хусусан 1999 йил 12 июлда Давлат мулки қўмитаси мадади билан бизда жамоат бирлашмаси – Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти тузилган эди.

Бугунги кунда мазкур жамият фаолиятига ҳар хил баҳо бермоқдалар. Аммо шуни эътиборда тутиш жоизки, касб бўйича, бинобарин профессионал бирлашма тузиш, унинг ваколатлари, масалаларни ҳал этиши фақатгина шу бирлашма аъзоларига тегишлидир. Ташкилотимизни эса кўпинча унинг аъзоси бўлмаган ва табиийки, ташкилот ишига оид хабарлардан бехабар одамлар ҳам танқид қилишаверади. Шунга бўлса-да, Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти ўз имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаяпти деган фикрга қўшиламан. Энг аввало, мазкур Жамият баҳоловчиларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга кўнгилдагидек кўмаклашмаяпти деган гапларда жон бор.

**Бизда биттагина жамоат ташкилотининг бўлиши яхшими ёки ёмонми деган савол кўтарилгудек бўлса, мен бу рисоладагидек эмас, ёмон деб жавоб берган бўлардим.** Қандайдир рақобат бўлиши учун ҳам ҳеч бўлмаганда улар камида иккита бўлиши керак. Муаммо шундаки, баҳоловчи умуман бирон-бир жамоат ташкилотининг аъзоси бўлиши шарт эмас.

Аудиторлар учун бундай мажбурият белгиланишига асос бор: таълим сертификати олишда бу нарса муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам уларда жамоат бирлашмалари дуруст ривож топмоқда.

Мамлакат Президентининг қарорида жамоат ташкилотларининг таълим дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиши назарда тутилганлиги инобатга олинса, баҳоловчилар учун ҳам шундай тартиб белгилаш мақсадга мувофиқ кўринади. Бундан фақат фойда келади, рағбатлантириш омиллари доираси кенгаяди, холос.

***– Баҳоловчининг назорат қилувчи идоралар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўтказадиган текширувларда мутахассис сифатида иштирок этиши унинг малака сертификати бекор қилинишига асос бўладиган бир марта қўпол тарзда йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик деб топилади. Ҳамонки, бундай банд Президент қарори билан тасдиқланган Низомга киритилган экан, бу кимларгадир салмоқли даражада зиён етказаётган, анчагина кенг тарқалган амалиёт шекилли...***

– Шу ўринда масалани аниқлаштириб олайлик. **Ўтказилаётган текширувларда иштирок этиш ҳоллари эмас, балки бундай текширувларда иштирок этишнинг белгиланган тартибига риоя этмаслик ҳоллари қўпол тарздаги қонунбузарлик саналади.** Энг аввало, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот текшируви (экспертиза қилиш) экспертиза буюртмачиси, шу жумладан текширувчи идора билан баҳоловчи ташкилот ўртасидаги шартнома асосидагина амалга оширилмоғи, баҳоловчи мутахассиснинг текширувда иштирок этиши учун эса баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари чиқарган буйруқ асос бўлиши лозим. Башарти, бундай тартибга риоя этилмаган экан, бу қоидани қўпол равишда бузиш ҳисобланади ва оқибатлари ҳам шунга яраша бўлади.

Шуни назарда тутиш жоизки, мамлакатимизда инсофли, ҳалол баҳоловчилар кўп, улар билимдонлик билан, касб талабларига қатъий риоя этган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Эътибор қилган бўлсангиз, Низомнинг кейинги бобларини айни шундай мутахассисларни ҳимоя этишга бағишлангандир.

Яқин-яқинларгача баҳолаш ишларини ўтказиб, қийматни белгилаган баҳоловчи фаолиятининг натижалари у ёки бу мулоҳазаларга кўра шубҳа остига олиниши мумкин эди. Бундай ҳолларда бошқа баҳолаш таомили тайинланиб, бошқа ташкилотдан баҳоловчи жалб этилар ва у баайни мустақил эксперт сифатида иш кўрар эди. Баҳолаш фаолияти аниқ фан эмас, балки ишнинг пировард натижаси эканлиги эътиборга олинса, кўп нарса баҳоланаётган объектлар бозорининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ эканлиги аён бўлади. Оқибатда бу нарса иккита баҳоловчига ўз фикр-мулоҳазалари асосида қийматнинг ҳар хил миқдорий кўрсаткичи хусусида тўхтамга келишига ва табиийки, муаммо юзага келишига сабаб бўларди. Баҳоловчиларнинг малака даражаси ҳар хил эканлиги, баҳолаш тартиб-таомилларини бир хил тушунмаслиги, баъзи ҳолларда текширув ўтказаётган баҳоловчининг нохолислиги ёки мустақил эмаслиги ёхуд ахлоқ-одоб нормаларига риоя этмаслиги вазиятни янада чигаллаштирарди.

Тушуниш осонроқ бўлиши учун масалага бошқачароқ ёндашиб кўрайлик... Бугунги кунда шаҳар марказидаги уч хонали квартира қанча туради деб ўйлайсиз? Бундай квартирани 62 миллион 750 минг 50 сўм туради деб бўлмайди, албатта. Унинг нархи 60-65 миллион сўм атрофида, тақрибан 62,5 миллион сўм дейиш тўғрироқ бўлар эди. Амалда шундай бўладики, баҳоловчилардан бири уни 65 миллион, иккинчиси эса 60 миллион сўм деб баҳолайди. Демак, улардан бири мол-мулкка гўё беш миллион сўм камроқ баҳо чиқарган бўлиб чиқади. Оқибатда текширувчи хулосалари билан боғлиқ турли муаммолар кўндаланг бўлади.

Бундай вазиятларни бартараф этиш мақсадида Низомда шундай тартиб белгиланмоқдаки, унга кўра **баҳоловчи чиқарган хулосалар юзасидан** бошқа баҳоловчи ташкилот фақатгина нотўғри хулоса учун текширувчининг жавобгарлигини назарда тутувчи **шартнома асосидагина низолашиши мумкин.** Бу биринчидан. Иккинчидан эса, экспертлар объектнинг қийматига тўхталмаган ҳолда ҳисоботнинг фақат **тўғрилигини** муҳокама қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, мазкур ҳисобот баҳолашнинг белгиланган тартиби, стандартларига ва қонунга мувофиқ ёки хилоф ҳолда бажарилганлиги қайд этилади. **Эксперт ҳатто ҳисоботнинг нотўғрилиги хусусида хулосага келган тақдирда ҳам, бу факт суд тартибида эътироф этилиши мумкин.** Бу эса мутахассисларнинг одоб доирасида, тўғри ва виждонан, билимдонлик билан ишлашини ҳимоя қилиш имконини беради.

Мамлакат Президентининг қарорида экспертизани ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида гапирилган. Низоли масалаларни ҳал этиш учун бу жуда ҳам зарур. Баҳолаш экспертизаси институти аввало баҳоловчи ҳимоя этилишини таъминлайди. Негаки, бундай кезларда жараён қатъий тартибга солинади, бинобарин кимлар экспертиза қилиши мумкинлиги, экспертизани ким тайинлаши, ким қарор қабул қилиши, бу иш қандай содир бўлиши кераклиги, баҳоловчи билан эксперт ўртасида жавобгарлик қай тарзда фарқланиши ва шу сингарилар расамадга солинади.

***– Малака талаблари қаторидан баҳоловчининг профессионал обрў-эътиборига оидлари чиқариб ташланди. Баҳоловчилар аудиторлардан фарқли равишда фаолиятларининг ўзига хос стандарти – одоб кодекси яратилиши даражасига етганлари йўқ шекилли?***

– Кодекс деганлари корхона даражасида, ҳар бир компанияда амал қилиши (ички корпоратив одоб кодекслари) ёки маълум одоб қоидаларига риоя этиш асосий талаб ҳисобланган муайян миқдордаги мутахассисларни бирлаштирган жамоат ташкилоти доирасида амал қилиши мумкин. Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти ўзининг Одоб кодексини ишлаб чиққан бўлиб, бу ҳужжат 1999 йили қабул қилинган, матбуотда ҳам бир неча марта босилган.

Эҳтимол бугунги кунда мазкур ҳужжатни баҳолаш фаолиятининг стандарти даражасига кўтариш керакдир? **Негаки, эндиликда одоб доирасидаги ва одоб доирасидан четга чиқувчи амалиёт сарҳадлари йўқолиб бормоқда.**

Масалан, баҳолаш мажбурий ҳисобланган ёки мажбурий бўлмаган ҳолларда мустақил «ички» баҳоловчининг баҳолаш ўтказиши одоб доирасига кирадими-йўқми? Борди-ю, «ички» ва «ташқи» аудит тоифалари бугунги кунда қатъий тартибга солинган ва амалиётда мутаносиб равишда қўлланаётган бўлса, баҳолаш фаолиятида ҳозирча бу нарса йўлга қўйилмаган.

***– 1 июлдан эътиборан баҳоловчилар фақатгина юридик шахс – баҳоловчи ташкилот орқали иш олиб боришлари мумкин. Аммо бу ишнинг йўл қўйиладиган ташкилий-ҳуқуқий шакллари хусусида мутлақо ҳеч нарса дейилмаган. Наҳотки, унинг хусусий корхона ёки фирма ёхуд масъулияти чекланган жамият, очиқ турдаги ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида бўлиши муҳим бўлмаса?***

– Низом қабул қилингунга қадар баҳоловчи компанияни ҳар қандай шаклда (очиқ турдаги акциядорлик жамияти бундан мустасно) ташкил этиш мумкин деган фикрлар билдирилиб, устав сармоясида баҳоловчиларнинг улуши аудиторларда бўлгани каби камида 51 фоизни ташкил этади деб мўлжалланган эди.

Қарорда баҳоловчи ташкилотларни тузишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига чеклов белгиланмаган. Шу маънода баҳоловчиларда аудиторларга нисбатан имконият кўпроқ. Энди гап улар ана шу имкониятдан тўғри ва самарали фойдаланишида!

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбиримиз.***

## *Хориж қонунчилигидаги янгиликлар*

### НАҚД ПУЛЛАР КУЗАТУВДА

**Ҳар ерда ҳозиру нозир Россия молия мониторинги яқин кунларда камида 600 000 рублик суммадаги нақд пулларга оид барча операциялар ҳақда биладиган бўлади, чунки банклар ва бошқа назорат агентлари бу ҳақда «тегишли жойга» хабар бериши лозим бўлган бундай йирик суммаларга доир манипуляциялар рўйхатини очиқ қилиш ниятидалар.** Ҳозирда амал қилаётган қонунчилик бўйича бундай миқдордаги нақд пулларни олиш қатъиян рўйхат бўйича шубҳали ҳисобланади, бу рўйхатга фуқаро ҳисобрақамига 600 000 рублдан ортиқ миқдордаги нақд пуллар суммаси ҳисобга қўйилиши ёки ҳисобдан олиниши киритилмайди.

### АЛИМЕНТЛАР ҚАЙД ЭТИЛАДИ

**РФ Оила кодексига киритиладиган ўзгартиришларда вояга етмаган болани боқиши учун ота-оналар томонидан тўланадиган алиментлар мажбурий энг кам миқдори минтақавий яшаш минимумига тенг миқдорда тайинланиши назарда тутилган.** Ҳозирда судлар алиментларни тайинлашда ҳеч қандай қуйи чегарага боғлиқ эмаслар. Шунингдек ҳар қандай таълим муассасасида таҳсил олаётган вояга етганларга ҳам ўқишни тугатгунига қадар ёки 23 ёшга тўлгунича алимент тўлаш мажбурияти жорий қилиняпти. Суд тартибида ундириладиган алиментнинг тўловчиси хорижий давлатга доимий яшаш учун кўчиб кетган бўлса, алимент олувчига уларни бирйўла тўлаш (мол-мулкини ушбу тўловлар ҳисобига ўтказиш) билан алимент тўлаш тўхтатилади.

### МУДДАТ УЗАЙТИРИЛАДИ

**Чакана бозорни ташкил қилиш ва жиҳозлаш – анча заҳматли ва чиқимли иш бўлгани боис россиялик қонун чиқарувчилар уларни ташкил қилишга рухсатнинг амал қилиш муддатини оширишни таклиф қилишмоқда.** Чунончи, бозорни ташкил этиш назарда тутиладиган кўчмас мулкка эга бўлган ташкилотлар учун бундай рухсат аввалги беш йил ўрнига қуйидаги тарзда амал қилади:

– мулкка эгалик ҳуқуқида – муддатсиз;

– ижара ҳуқуқида – ижара шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида.

Бундан ташқари, минтақаларга бозорни вақтинчалик иншоотда очиш мумкинлиги ҳолатларини ҳам белгилашга рухсат этиш режалаштирилмоқда. Гап шундаки, 2010 йилдан бошлаб бозорларни капитал иморатларда жиҳозлашга рухсат бериш режалаштирилган.

### КРЕДИТЛАР – ТАЛАБАЛАРГА

**Россия Давлат думаси томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси кундузги бўлимда бюджет асосида ўқийдиган олий ўқув юртлари талабаларига кредит бериш қоидаларини белгилайди.** Унинг муаллифлари фикрича, ижтимоий кредит кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқишни давом эттиришларида кўмак беради, чунки уларнинг айнан ўқиш мобайнида юзага келадиган харажатларини (овқатланиш, яшаш, йўлкира ва ҳоказолар) қоплаш учун тақдим этилади.

Вояга етган талаба кредит олиш учун банк билан ижтимоий таълим кредити шартномасини тузиши лозим, бу шартнома бўйича ўқув муассасасининг алоҳида ҳисобрақамига ҳар ойда қарз олувчи учун пуллар келиб тушади. Бу кредит суммаси талаба ўқиётган минтақадаги бир ойлик яшаш минимумининг икки бараваридан ошмаслиги мумкин. Кредит узоқ муддатли бўлади ва уни олий ўқув юртини тугатганидан сўнг 5 йил мобайнида сўндириш мумкин.

Ижроия ҳокимияти давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бирор-бир тижорат ташкилотлари банк розилиги билан ижтимоий кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олишлари мумкин. Бунда қарздор зиммасига, албатта, бундай саховат соҳибига камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади.

### ЧИҚИБ КЕТИШ ЯНГИЧА ҲИСОБЛАНАДИ

**2008 йилдан бошлаб Россияда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида озиқ-овқат товарлари табиий чиқиб кетишининг янги меъёрлари пайдо бўлади (аввалгилари СССР пайтида тасдиқланган эди).** Уларни, жумладан, солиққа оид мақсадларда ҳам қўллаш лозим.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ШАХСИЙ «LACETTI»да БУЮРТМАЧИЛАР ҲУЗУРИГА

**?** ***Корхонамиз директорида «Lacetti» русумли шахсий автомобиль бор. Биз хизматлар кўрсатишимиз боис истеъмолчилар хузурига доим бориб турамиз. Хизмат машинаси йўқ, шу сабабли директор ўз машинасидан фойдаланади. Шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлиги учун унга компенсация тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарилди.***

***1. «Lacetti» русумли автомашинадан фойдаланганлик учун қанча миқдорда компенсация тўлаш мумкин?***

***2. Хизмат кўрсатувчи банкка қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак?***

***3. Чек дафтарчасининг қайси сатрида компенсация тўловларини кўрсатиш керак, зеро улар меҳнатга ҳақ тўлаш фондига кирмайди?***

***4. Буларнинг ҳаммасини бухгалтерия проводкалари билан қандай акс эттириш керак?***

**Ш.Нуриддинова.**

– Автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсациянинг чегараланган миқдорлари Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби *(Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига 3-илова, бундан кейин – Тартиб)* билан белгиланган. Мазкур Тартиб билан «Нексия» ва «Тико» русумли шахсий автомобиллардан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун тўланадиган компенсацияларнинг чегараланган миқдорлари, тегишинча, энг кам иш ҳақининг 5 ва 3 баравар миқдорлари белгиланган («Lacetti» русуми мазкур Тартибда кўрсатилмаган). «Lacetti» автомобили техник кўрсаткичлари бўйича кўп даражада «Нексия» автомобилига яқинлигини ҳисобга олиб, сиз унинг учун белгиланган компенсация миқдорини, яъни **энг кам иш ҳақининг 5 бараварини** қўллашингиз мумкин. Бунда Тартиб корхоналар раҳбарларига автомобилдан фойдаланиш шартларига боғлиқ ҳолда компенсациянинг чегараланган миқдорини оширишга рухсат беради, бироқ у 10%дан кўп бўлмаслиги керак.

**Белгиланган меъёрлар доирасидаги** компенсация тўловлари уларни олаётган шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди ва, тегишинча, уларга:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи *(Солиқ кодекси 171-моддаси иккинчи қисмининг 8-банди, бундан кейин – СК);*

– ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари *(СК 308-моддасининг 1-банди)* солинмайди.

**Меъёрлардан ортиқча** компенсация тўловлари:

– ходимнинг жами даромадига киритилади ва белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади *(СК 174-моддаси);*

– ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисобланмайди *(СК 308-моддасининг 1-банди).* Бухгалтерия ҳисобида шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўлаш бўйича операцияларни акс эттириш сиз компенсацияни белгиланган меъёрлар доирасида ёки меъёрлардан ортиқча тўлашингизга боғлиқ:

| *Шахсий автомобилдан хизмат сафарлари учун фойдаланганликка компенсация тўлаш (қонун билан белгиланган меъёр доирасида)* | | |
|---|---|---|
| | *Дебет* | *Кредит* |
| Компенсация ҳисоблаб ёзилган | 9430-"Бошқа операцион харажатлар" | 6990-"Бошқа мажбуриятлар" |
| Компенсация бериш учун пул маблағлари банкдан кассага олинди | 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари" | 5110-"Ҳисоб-китоб рақами" |
| Компенсация тўлови амалга оширилди | 6990-"Бошқа мажбуриятлар" | 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари" |
| **Шахсий автомобилдан хизмат сафарлари учун фойдаланганликка компенсация тўлаш (қонун билан белгиланган меъёрдан ортиқча)** | | |
| | *Дебет* | *Кредит* |
| Компенсация ҳисоблаб ёзилган | 9430-"Бошқа операцион харажатлар" | 6710-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" |
| Қонун билан белгиланган компенсациянинг чегараланган миқдоридан ошадиган суммадан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланди | 6710-"Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар" | 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" |
| ШЖБПҲга ажратмалар ҳисоблаб ёзилди | 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарз" | 6530-"Шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларга тўловлар" |
| Компенсация бериш учун пул маблағлари банкдан кассага олинди | 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари" | 5110-"Ҳисоб-китоб рақами" |
| Компенсация тўлови амалга оширилди | 6710-"Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар" | 5010-"Миллий валютадаги пул маблағлари" |

Шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўлашга нақд пул олиш учун корхона бухгалтери хизмат кўрсатувчи банкка чек тақдим этади. Чекнинг орқа тарафида «Харажат мақсади» устунида «Ходимнинг шахсий автомобилидан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация тўлаш учун» ёки «Бошқа мақсадларга бериш учун» деб кўрсатиш зарур.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
04_0020
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши ш.: (99875) 227-18-11

# ОЛИМДАН НИМА ОЛИНАДИ?

**?** ***1. Янги Солиқ кодексига кўра корхоналар (муассасалар, ташкилотлар, илмий ташкилотлар, ўқув юртлари ва ҳоказолар) ходимларининг иш ҳақидан қандай турдаги даромад солиқлари ундирилади?***

***2. Қўшимча даромадларнинг қандай турларига (ишдан ташқари вақтда ишлаганлик учун мукофотлар, фахрий унвонлар, масалан, «Хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвонига устамалар) даромад солиғи солинмайди?***

***3. Корхоналарнинг раҳбарлари меҳнат жамоаси (жамоанинг умумий йиғилиши, илмий ташкилотлар ва ўқув юртларининг илмий кенгашлари ва ҳоказо) қарори асосида, масалан, касаба уюшмаси бадали сифатида иш ҳақининг 1 фоизи, спорт клуби жамғармасига 1 фоиз сингари, Солиқ кодексида назарда тутилмаган янги даромад солиқларини жорий этиш ҳуқуқига эгамилар?***

**А.Ўтаров.**

– **1.** Амалдаги Солиқ кодексида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқларининг икки тури белгиланган:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, у меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ушланади, жисмоний шахсларга меҳнат шартномасига мувофиқ ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар ана шундай даромадлар деб эътироф этилади *(Солиқ кодексининг 172, 173, 174, 175-моддалари, бундан кейин – СК);*

– меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлардан ушланадиган суғурта бадаллари *(СК 172-моддаси).*

Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига* 8-иловага кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари солиқ солинадиган даромад суммасига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган:

| *Солиқ солинадиган даромад* | *Солиқ ставкаси* |
|---|---|
| энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача | даромад суммасининг 13 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача | олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоридан ошадиган суммадан 18 фоиз |
| энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда | ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ошадиган суммадан 25 фоиз |

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши ш.: (99875) 227-18-11

Суғурта бадали жисмоний шахсларга тўланадиган, меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар суммасидан 2,5%лик ставка бўйича ушланади, бундан СК 308-моддасида кўрсатилган тўловлар мустасно *(Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори* 3-банди).*

Илм-фан, олий мактаб ходимларининг даромадларига Солиқ кодекси билан белгиланган тартибда, имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва суғурта бадаллари солинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар объекти ҳисобланади. Ставка солиқ солинадиган даромаднинг 1%и миқдорида белгиланган. Бунда ШЖБПҲга ҳисоблаб ёзилган сумма жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини камайтириш ҳисобига ўтказилади.

**2.** Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайдиган даромадлар СК 171-моддасининг иккинчи қисми ва 179-моддаси билан белгиланган.

Иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун тариф ставкалари ва маошларга мукофотлар ҳамда бошқа шу сингари тўловлар, СК 172-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар сифатида қаралади ва уларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда суғурта бадаллари солинади.

Фахрий унвонларга (шу жумладан «Хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвонига) устамалар (қўшимча тўловлар) Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган)* асосида тўланади. Ушбу ҳужжатга кўра 2008 йил 1 январдан бошлаб фахрий унвонларга эга бўлган шахсларга тўловлар қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

«Халқ арбоби» ва «Хизмат кўрсатган арбоб» – энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;

«Хизмат кўрсатган артист» – энг кам ойлик иш ҳақининг 1,8 баравари миқдорида;

«Хизмат кўрсатган» (қолган касблар бўйича) – энг кам ойлик иш ҳақининг 1,6 баравари миқдорида.

Ўзбекистон фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари фахрий унвонлар учун тўловларни олиш ҳуқуқига эгадир. Улар ҳар ойда:

бюджет ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга – иш ҳақи олиш билан бир вақтда тегишли бюджетлар ҳисобидан;

хўжалик ҳисобидаги хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга – иш ҳақи олиш билан бир вақтда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан;

ишламаётган пенсионерларга – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимлари орқали тўланади.

Бир неча фахрий унвонларга эга бўлган шахсларга тўловнинг энг кўп миқдори назарда тутилган фақат битта фахрий унвон учун тўлов тўланади.

**Фахрий унвонлар учун тўлов суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ҳисобланади.**

**3.** Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра меҳнат ҳақидан умумий қоидага кўра ходимнинг ёзма розилиги билан, розилик бўлмаган ҳолда эса – суднинг ҳал қилув қарори бўйича ушлаш мумкин. Ходимнинг розилигидан қатъи назар меҳнат ҳақидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушланади. Янги солиқларни фақат Солиқ кодекси билан жорий этиш мумкин *(СК 2-моддаси).* Агар ходим касаба уюшмаси аъзоси бўлса, иш ҳақидан 1% миқдорда касаба уюшмаси бадалини ушлаш қонунийдир.

Қонун билан белгиланмаган ушланмаларни фақат ходимнинг ёзма розилиги билан амалга ошириш мумкин.

** Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарори.*

# ЎЗБЕКИСТОН КОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:**

- ЎзР МВ, ДСҚнинг "Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКАНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ОРТИҚЧА СУММАСИНИ ҚАЙТАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 майда 1807-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 20-21-сон, 180-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*44-сон*

***Давлат солиқ***
***қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-23-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 30 апрель.*

***2008 йил 26 майдан кучга киради.***

*Молия вазирлиги ва Давлат солиқ*
*қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сон қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКАНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ОРТИҚЧА СУММАСИНИ ҚАЙТАРИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227 ва 228-моддаларига мувофиқ солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тартибини белгилайди.

### 1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қўшилган қиймат солиғи (кейинчалик — ҚҚС)нинг ортиқча суммаси деганда ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланган (тўланадиган) ҚҚС суммасининг ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиган оборотлар учун ишлатиладиган қисми учун ҳисоблаб ёзилган суммасидан ошиб кетиши тушунилиши керак.

2. ҚҚС суммасини қайтарилиши қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасини (Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тақдим қилинган ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммасини) қоплашга;

корхонанинг бошқа солиқлардан бўлган қарзларини қайтаришга;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиб бериш ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиган оборотларга доир ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси бир қисми.

3. Солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисобига ҚҚС суммасини қайтаришни тегишли молия органлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан корхоналарнинг ёзма аризаларига асосан қайтариш бўйича хулоса тақдим қилингандан сўнг амалга оширадилар.

Солиқлар бўйича қарздорлик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига мувофиқ, ҚҚС тўловлари бўйича қарздорликни ҳисобга олган ҳолда солиқлар бўйича қарзларни ёпиш ҳисобига ҚҚС суммасини қайтариш, ҚҚСнинг ортиқча суммаси доирасидаги маблағлар суммаларини бошқа солиқ турлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасига мувофиқ аниқланган мавжуд қарз миқдорида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда йўналтириш йўли билан зарурат туғилган ҳолда махсус 23202-сон ҳисобварақдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Корхонанинг ҳисоб рақамига ҚҚСнинг қайтариладиган суммасини ўтказишни тегишли молия органлари 23402 баланс ҳисоб рақамидан ҚҚС учун шартли ҳисобварақ рақами (ШҲР)дан амалга оширадилар. Маблағ ўтказиш бюджетга тушадиган ҚҚС нинг жорий тушумларидан, ушбу тушумларнинг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда маҳаллий бюджетларга тақсимлангунига қадар амалга оширилади.

4. Солиқлардан қарзи бўлмаган корхонага ҚҚС суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетининг асосий 23402-ҳисобварағидан тегишли давлат солиқ хизмати органининг хулосасида белгиланган сумма доирасидаги маблағларни корхонанинг банк ҳисобварағига ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Бунда, корхоналарнинг банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиб бериш ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар учун ишлатилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси доирасида амалга оширилади.

5. ҚҚС суммасини қайтаришни ушбу Низомнинг 4-бандига

мувофиқ, тегишли давлат солиқ хизмати органидан солиқ тўловчининг ҚҚСни қайтариш тўғрисидаги аризаси олинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида амалга оширилади.

## 2-§. ҚҚСни ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

6. Солиқ тўловчилар ҚҚС суммасини қайтариш учун мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ рўйхатга олинган жойдаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги аризага қуйидаги ҳужжатларни тўрт нусхада илова қилган ҳолда тақдим қиладилар:

а) туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиштириш далолатномаси.

Солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўйича солиштириш далолатномаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича ҳисобот ойининг 15-санасига қадар тузилади ҳамда календарь ой мобайнида амал қилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111 ва 2007-66-сонли «Солиқ ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2008 й., 3-4 сон, 15 модда) қарорига мувофиқ ҚҚС ҳисоб-китоби шакли;

в) солиқ тўловчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси (ёки зиммасига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий бошқариш вазифалари юкланган бошқа шахс) ва давлат солиқ хизмати органининг ҚҚСни қайтарилиши бўйича материалларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган жавобгар ходими томонидан имзоланган солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоб-китоби (ҳисоб-китобларни тўлдириш бўйича шартли мисол ушбу Низомнинг 2а ва 2б-иловаларида келтирилган);

г) агарда, солиқ тўловчиларга илгари ҚҚС суммаси қайтарилган бўлса, у ҳолда ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда қайтарилган ҚҚС суммасининг санаси, даври ва суммаси тўғрисида маълумот тақдим қилинади;

д) агарда, солиқ тўловчиларга ҚҚС мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган тартибда қайтарилган тақдирда, солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга доир тузилган шартномаларнинг нусхалари, товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ тўловчиларнинг етказиб берувчи корхоналардан қарзи бўйича солиштириш далолатномалари, шунингдек етказиб берувчи корхоналарнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига, шунингдек бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича қарздорлигини ҳисобга олган ҳолда қарздорлиги бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган солиштириш далолатномалари;

Солиштириш далолатномаси ҳужжатлар тақдим қилинадиган ойнинг биринчи ёки кейинги саналари ҳолатига тузилади ҳамда тақвимий ой мобайнида ҳақиқийдир.

7. Мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тўрт нусхада тақдим этилади:

а) товарларни экспорт қилиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун:

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган контракт нусхаси;

товарларни экспорт режимида божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган давлат божхона органининг белгилари билан божхона юк декларацияси (кейинчалик — БЮД) нусхаси, шунингдек БЮД йиғма кўчирма реестри;

контракт (товарларнинг юклаб жўнатилган туркуми) бўйича валюта тушумларини тушганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси ва шахсий ҳисоб рақамдан кўчирмаларнинг йиғма реестри, шунингдек кўчирмаларнинг йиғма реестри;

товарларни республика ҳудудидан тайинланган мамлакатга олиб чиқиш далилини тасдиқлайдиган божхона органлари томонидан белги қўйилган товарларга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхалари;

б) чет эл дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун — солиқ тўловчининг мансабдор шахси томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуранинг нусхаси;

в) «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича ишлар (хизматлар)ни бажариш (кўрсатиш), шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл юкларини ташиш (транзит ташишлар) натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун:

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш учун контрактлар нусхаси;

шахсий ҳисобварақдан бундан олдинги хатбошида кўрсатилган бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўловларни тасдиқловчи банк кўчирмаси ва йиғма реестр кўчирмаси;

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган, ишлар (хизматлар) сотувчи ва харидор томонидан имзоланган ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхаси;

г) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндилари)ни эркин муомаладаги валютага ҚҚСни ноль даражали ставкасини қўллаш билан ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилишини назарда тутиб сотилиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун:

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беришга оид контракт нусхаси;

тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни экспортёр-корхонага жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларнинг нусхалари;

текстил ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспортга сотилганлиги тўғрисида ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ўтган ҳисобот даври учун экспорт маҳсулотлари ҳажми тўғрисидаги маълумотни илова қилган ҳолда корхона-экспортёрнинг хати;

д) аҳолига сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича коммунал хизматлар кўрсатиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш учун — ноль ставкасини қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси:

сув таъминоти ва канализация бўйича — сув сотиш ва канализация хизматларини кўрсатганлик тўғрисида маълумот;

иссиқлик таъминоти бўйича — иссиқлик энергиясини сотганлиги тўғрисида маълумот;

газ таъминоти бўйича — табиий ва сиқилган газни сотганлиги тўғрисида ҳисобот.

8. Аризалар ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар давлат солиқ инспекциясининг девонхонаси томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати ва миқдорини кўрсатган ҳолда масъул ходимнинг тилхати билан қабул қилинади.

ҚҚСни қайтариш учун тақдим қилинган ҳужжатлар тўплами билан бирга, ушбу ҳужжатларни қабул қилиб олувчи вазирлик ва идораларнинг номи, келиб тушиш санаси, ижрочининг фамилияси ва лавозими мажбурий равишда қайд қилинган ҳолда, ушбу Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда техник йўналиш қоғози (туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан расмийлаштириладиган) тақдим қилинади.

Техник йўналиш қоғозининг нусхаси ҳужжатлар тўпламининг барча ўтиш босқичлари мобайнида давлат солиқ хизмати органлари ва Молия вазирлигида сақланади.

9. Ҳужжатлар олинганидан кейин тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси беш иш куни мобайнида ҚҚС бўйича ноль ставкасини қўллашнинг асослилиги, мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг борлиги ва ишончлилигини текширади. ҚҚСни қайтаришни рад этиш мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилади.

10. ҚҚСни қайтариш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси солиқ тўловчи аризаси олинган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмай:

аризачи тақдим этган банк ҳисоб рақамига ўтказиладиган ҚҚСнинг ортиқча суммаси ҳисоб-китобининг барча нусхаларини тасдиқлайди;

мазкур Низом 7-сон иловасига* мувофиқ шаклда ҚҚСни қайтариш бўйича хулосани (кейинчалик — хулоса) расмийлаштиради ва уни бундан кейин кўриб чиқиш учун юқори давлат солиқ бошқармасига тақдим этади.

Юқори солиқ бошқармасига юборилаётган хулосага рўйхат билан биргаликда аризачи тақдим этган ҳужжатлар уч нусхада илова қилинади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси давлат солиқ инспекциясида сақлаш учун қолдирилади.

Бунда аризачидан тегишли ҳужжатларни қабул қилган дав-

*6 ва 7-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди

лат солиқ инспекцияси хулосага илова қилинаётган ҳужжатлар барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.

11. Давлат солиқ бошқармаси хулоса олингандан кейин 5 иш кунидан кечиктирмай олинган хулосанинг асослилигини текширади. Мазкур текшириш натижалари бўйича хулосани келишиб текширилган ва келишилган хулосани Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади ёки ҚҚСни қайтаришни мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган асослар бўйича ва тартибда рад этади.

Давлат солиқ қўмитасига юборилаётган хулосага тегишли рўйхат билан биргаликда давлат солиқ инспекцияси тақдим этган ҳужжатларнинг икки нусхаси илова қилинади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси давлат солиқ бошқармасида сақлаш учун қолдирилади.

Бунда давлат солиқ бошқармаси хулосага илова қилинаётган ҳужжатлар барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси олинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида хулосанинг асослилигини текширади, тасдиқлайди ва уни ҚҚСни қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топширади ёки мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган асослар бўйича ва тартибда ҚҚСни қайтаришни рад этади.

Бунда Молия вазирлигига юборилаётган хулосага мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг бир нусхаси рўйхат билан илова қилинади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси Давлат солиқ қўмитасида сақлаш учун қолдирилади.

13. Хулосани кўриб чиқиш ва ҚҚСни қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси томонидан хулоса тақдим этилган кундан бошлаб 10 иш кунидан кечиктирмай қуйидаги тартибда амалга оширади:

Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ бошқармаси томонидан 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилади, у кўриб чиқиш натижалари бўйича ҚҚСни қайтариш тўғрисида таклиф тайёрлайди. Мазкур таклиф молия вазирининг тегишли ўринбосари томонидан имзоланади ва ижро учун Давлат бюджети Бош бошқармасига топширилади;

Молия вазирлиги ҚҚСни қайтаришни рад этган ҳолда ушбу тўғрисида солиқ тўловчи ва Давлат солиқ қўмитасига ёзма равишда маълум қилади.

Давлат бюджети Бош бошқармаси 5 иш куни мобайнида тегишли тармоқ бошқармаси ҚҚСни қайтариш тўғрисида тақдим этган таклифи асосида ҚҚСни қайтаради.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҚҚСни қайтаргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ўтказилган суммалар тўғрисида ёзма равишда ҚҚСни қайтариш бўйича тўлов топшириқномалари нусхаларини илова қилган ҳолда хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгиланган тартибда ушбу тўғрисида тегишли давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этган тўлов топшириқномаларининг нусхалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига ҚҚС бўйича суммани тўлов топшириқномалари нусхаларида кўрсатилган суммага камайтириш учун асос ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органининг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ бошқармасида сақланади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли тармоқ бошқармасининг ҚҚСни ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги тасдиқланган таклифи ҳамда техник йўналиш қоғозининг асл нусхалари эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасида сақланади.

15. Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёзма мурожаати бўйича ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш солиқ тўловчининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини сўндиришга, шунингдек етказиб берувчи корхоналар солиқ бўйича қарзларни ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини сўндириш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) учун уларга солиқ тўловчининг тўловларини (шу жумладан бўнак тўловларини) тўлаш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

16. Тегишли давлат солиқ хизмати органлари ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунига қадар тегишли давлат солиқ бошқармаларига мазкур Низомнинг 8-иловасида белгиланган шаклга мувофиқ корхоналар бўйича ҳосил бўлган ва ҳақиқатда қайтарилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси бўйича маълумот тақдим этадилар.

Тақдим этилган маълумот асосида давлат солиқ бошқармаси ҚҚС бўйича қайтарилган суммалар тўғрисида ҳудуд бўйича йиғма маълумот тузади ва уни белгиланган муддатларда Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади, Давлат солиқ қўмитаси бу маълумотни ҳудудлар бўйича жамлаб чиқади ва ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

17. Давлат солиқ хизмати органлари, Молия вазирлиги ҚҚСнинг ортиқча суммасини мазкур Низомнинг 4-банди бўйича қайтаришга рад жавобини бериш қарорини қабул қилишга қуйидаги ҳолатларда ҳақли:

солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда;

ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини экспортга сотилган товарлар обороти бўйича келиб тушмаган валюта тушумларига тўғриланмаган ҳолатда;

ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ бўлмаган ҳолатда тақдим этилганда;

ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилганда;

ҳужжатларни мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган талабларни бузган ҳолда расмийлаштириб тақдим қилганда.

Бунда ҚҚС бўйича ортиқча суммани қайтаришга рад этиш тўғрисидаги хат рад этиш сабаблари ва асосларини кўрсатган ҳолда баён этилиши керак.

18. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан хулоса ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар тақдим этилиши фельдъегерлик хизматлари бўлинмалари орқали амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат солиқ хизматининг тегишли органлари билан биргаликда ҚҚСни бўйича ортиқча суммани ҳосил бўлиши асослилигини аниқлаш учун ҳужжатларни текширишга ҳақлидир.

### 3-§. НАЗОРАТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

20. Молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари белгиланган тартибда солиқ тўловчиларни ҚҚС бўйича қайтариладиган суммасини тўғри ҳисобланганлиги ва улар тақдим этган қайтаришга доир материаллар масаласи бўйича биргаликда текширишни амалга оширадилар. Ортиқча қайтариш суммаси олинганлиги далиллари аниқланган тақдирда солиқ тўловчидан ҳақиқатда қайтаришнинг ҳисоб-китоб қилинган ва аниқланган суммалари ўртасидаги фарқ олиб қўйилади ҳамда республика бюджетининг даромадига, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар таснифининг 12-бўлими, 26-параграфига йўналтирилади, айбдор мансабдор шахслар эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агарда, ортиқча қайтариш суммаси олинганлиги далиллари солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан аниқланган тақдирда, солиқ тўловчидан ҳақиқатда қайтаришнинг ҳисоб-китоб қилинган ва аниқланган суммалари ўртасидаги фарқ олиб қўйилади ҳамда республика бюджетининг даромадига, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар таснифининг 12-бўлими, 26-параграфига йўналтирилади. Солиқ тўловчиларнинг ёзма билдиришномаси ва унга илова қилинган тўлов топшириқномаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкасига тегишли ёзувларни қайд қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

21. Тақдим этилаётган ҳисоб-китоблар, бирламчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар, шунингдек улар нусхаларининг ишончлилиги ва асослилиги, тўлов ҳужжатларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши, уларни тўлашга ўз вақтида тақдим этиш, маблағларни ўтказиш ва мақсадли тўлов бўйича қайд этиш учун шахсан жавобгарлик солиқ тўловчиларнинг раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

22. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан хулосани ўз вақтида ва тўғри тақдим қилиш бўйича жавобгарлик тегишли давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

23. Мазкур Низом талабларини қатъий бажариш, мақсадли тўлов бўйича молиялашни имкони борича қисқа муддатларда ўтказиш учун шахсан жавобгарлик тегишли корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юкланади.

24. ҚҚС суммасини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органи хулосасида кўрсатилган маблағларни ўз вақтида ўтказиш, шунингдек ҳужжатлар тўпламини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан ўтиш бўйича техник йўналиш қоғозини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли мансабдор шахсларининг зиммасига юкланади.

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

**Қайтариладиган ҚҚС суммасини банк ҳисобрақамига олиш тўғрисида**
**А Р И З А**

Корхона _____,
(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

манзил бўйича жойлашган _____
(почта манзили, шаҳар (туман, қишлоқ),

_____,
кўча номи ва уй (квартира) рақами

_____ амалга оширувчи
(асосий фаолият (ихтисослик) тури)

корхонанинг банк ҳисоб рақамига _____ давр учун
_____ сўм ҚҚС суммасини қайтариш бўйича материалларни
кўриб беришингизни сўрайди.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Материаллар | | варақда тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тузилди ва уларнинг иловалари | | варақда | Ўлчов бирлиги сўм |

Аризани тақдим қилиш муддати (кун/ой/йил)

_____ га тақдим қилинган
(Солиқ ҳисобига олинган жой бўйича давлат солиқ хизмати органи)

**Солиқ тўловчи тўғрисида маълумот**

1. Давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳнома
2. Ташкил қилинган санаси (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ОКОНХ
5. Телефон: код рақам

| Мазкур аризада кўрсатилган ишончли ва тўлиқ маълумотларни ҳамда аризага илова қилинган ҳужжатларни тасдиқлайман: | Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо<br><br>Сана (кк/оо/йй) | Ушбу ариза билан тақдим қилинади<br>(«V» белгиси билан белгиланиши лозим)<br>☐ Қоғозда ☐ Электрон кўринишда<br>☐ шахсий ☐ Почта бўйича ☐ Электрон почта бўйича<br>☐ варақда<br>Тақдим қилиш санаси (кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш.<br>имзо |

М.Ў.

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга*
*5-ИЛОВА*

**ИЧКИ БОЗОРДА ЭМВга СОТИБ ОЛИНАДИГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРДАН ОЛИНГАН ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**
**_____ 200__ ЙИЛ ҲОЛАТИГА**

| Т\р | Корхона — сотувчининг номи | Сотиб олинган маҳсулотлар-нинг навлари | Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар | | Чиқарилган маҳсулотлар-нинг навлари | Чиқиш меъёри %да | Ярим тайёр маҳсулотлардан олинган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми | | Шу жумладан экспортга сотилган тайёр маҳсулотлар | | Умумий ҳажмдан экспортнинг ҳажми, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | натурада | валютада | | | натурада | сўмда | натурада | валютада | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | | | | | | | | | | | |

Экспортёр-корхона раҳбари

Бош ҳисобчи

«__»_____ 200 _ й.

М.Ў.

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

## КОРХОНАНИНГ БАНКДАГИ ҲИСОБРАҚАМИГА ҚАЙТАРИЛАДИГАН ҚҚСнинг ОРТИҚЧА СУММАСИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

(сўм)

| Кўрсаткичлар | Қатор коди | Солиққа тортиладиган оборот | | | | | | | | ҚҚС суммаси қайтарилди | | | Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби | Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | | шу жумладан: | | | | | | солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёпишга | бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди | корхонанинг ҳисоб рақамига | | |
| | | | | амалдаги ставка бўйича | | экспортдан ташқари ноль ставка бўйича | | ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | | | | | | |
| | | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | | | | | |
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Товар (иш, хизмат) сотиш обороти | 010 | | | | | | | | | x | x | x | x | x |
| Товар (иш, хизмат) сотишдан соф тушум | 020 | | | | | | | | | x | x | x | x | x |
| Чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | 021 | x | x | x | x | x | x | | x | x | x | x | x | x |
| Валюта тушуми (чет эл валютасида) | 030 | x | x | x | x | x | x | | x | x | x | x | x | x |
| Чет эл валютасида тушган тушумнинг улуши (030 уст. / 021 уст. x 100) | 040 | x | x | x | x | x | x | | x | x | x | x | x | x |
| Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинган товар (иш, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси. | 050 | x | | x | | x | | x | | x | x | x | x | x |
| Жорий солиқ даврида тушган, ўтган солиқ даврининг экспорт маҳсулотларини сотиш оборотлари бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммалари | 060 | x | x | x | x | x | x | x | | x | x | x | x | x |
| Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚСнинг умумий суммаси | 070 | x | | x | | x | | x | | x | x | x | x | x |
| Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 070 уст.) | 080 | x | | x | | x | | x | | | | | | |

***Изоҳ:***

*1) 010 (020) қаторда — 2 ва 3-устунларда жами сотиш обороти (соф тушум), солиққа тортилмайдиган оборотни қўшган ҳолда кўрсатилади, 8 ва 9-устунларда товарларни экспортга сотилгани миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг товарларни юклаган кундаги курси бўйича кўрсатилади;*

*2) 050 қаторда ҚҚС ҳисоб-китобига 2-сонли иловадаги ҚҚС суммаси кўрсатилади, жумладан 3-устунда 050 қатордаги, 5-устунда 0501-қатордаги, 7-устунда 0502-қатордаги, 9-устунда 05031-қатордаги;*

*3) 060 қаторнинг 9-устунида ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-сонли иловаси 050 қаторидаги ҚҚС суммаси кўрсатилади;*

*4) 080 қаторнинг 13-устуни 7 ва 9-устунлар суммаларига тенг бўлиб, 5-устун кўрсаткичларига камайтирилади (агарда у ижобий кўрсаткич билан бўлса, агарда у манфий кўрсаткич билан бўлса унда бу кўрсаткич ҳисоб-китобда иштирок этмайди) ҳамда 10, 11 ва 12-устунлар кўрсаткичларига камайтирилади.*

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга 2а-ИЛОВА*

## КОРХОНАЛАРНИНГ БАНК ҲИСОБ РАҚАМИГА ҚАЙТАРИЛАДИГАН ҚҚСнинг ОРТИҚЧА СУММАСИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ БЎЙИЧА ШАРТЛИ МИСОЛ

(сўм)

| Кўрсаткичлар | Қатор коди | Солиққа тортиладиган оборот | | | | | | | | ҚҚС суммаси қайтарилди | | | Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби | Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | | шу жумладан: | | | | | | Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёпишга | бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди | корхонанинг ҳисоб рақамига | | |
| | | | | амалдаги ставка бўйича | | экспортдан ташқари ноль ставка бўйича | | ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | | | | | | |
| | | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | | | | | |
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Товар (иш, хизмат) сотиш оборот | 010 | 370 | 24 | 120 | 24 | 50 | 0 | 200 | 0 | x | x | x | x | x |
| Товар (иш, хизмат) сотишдан соф тушум | 020 | 350 | 20 | 100 | 20 | 50 | 0 | 200 | 0 | x | x | x | x | x |
| Чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | 021 | x | x | x | x | x | x | 160 | x | x | x | x | x | x |
| Валюта тушуми (чет эл валютасида) | 030 | x | x | x | x | x | x | 140 | x | x | x | x | x | x |
| Чет эл валютасида тушган тушумнинг улуши (030 уст. / 021 уст. x 100) | 040 | x | x | x | x | x | x | 87,5 | x | x | x | x | x | x |
| Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси. | 050 | x | 46,4 | x | 14,3 | x | 7,2 | x | 24,9 | x | x | x | x | x |
| Жорий солиқ даврида тушган, ўтган солиқ даврининг экспорт маҳсулотларини сотиш оборотлари бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммалари | 060 | x | x | x | x | x | x | x | 10 | x | x | x | x | x |
| Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚСнинг умумий суммаси | 070 | x | 56,4 | x | 14,3 | x | 7,2 | x | 34,9 | x | x | x | x | x |
| Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 070 уст.) | 080 | x | -32,4 | x | 9,7 | x | -7,2 | x | -34,9 | 5 | 10 | 7,7 | -9,7 | 16,4 |

***Изоҳ:***

*1) 010 (020) қаторда — 2 ва 3- устунларда жами сотиш оборот (соф тушум), солиққа тортилмайдиган оборотни қўшган ҳолда кўрсатилади, 8 ва 9-устунларда товарларни экспортга сотилгани миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг товарларни юклаган кундаги курси бўйича кўрсатилади;*

*2) 050 қаторда ҚҚС ҳисоб-китобига 2-сонли иловадаги ҚҚС суммаси кўрсатилади, жумладан 3-устунда 050 қатордаги, 5-устунда 0501-қатордаги, 7-устунда 0502-қатордаги, 9-устунда 05031-қатордаги.*

*3) 060 қаторнинг 9-устунида ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-сонли иловаси 050 қаторидаги ҚҚС суммаси кўрсатилади;*

*4) 080 қаторнинг 13-устуни 7 ва 9-устунлар суммаларига тенг бўлиб, 5-устун кўрсаткичларига камайтирилади (агарда у ижобий кўрсаткич билан бўлса, агарда у манфий кўрсаткич билан бўлса унда бу кўрсаткич ҳисоб-китобда иштирок этмайди) ҳамда 10, 11 ва 12-устунлар кўрсаткичларига камайтирилади.*

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга 2б-ИЛОВА*

## КОРХОНАЛАРНИНГ БАНК ҲИСОБРАҚАМИГА ҚАЙТАРИЛАДИГАН ҚҚСнинг ОРТИҚЧА СУММАСИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ БЎЙИЧА ШАРТЛИ МИСОЛ

(сўм)

| Кўрсаткичлар | Қатор коди | Солиққа тортиладиган оборот | | | | | | | | ҚҚС суммаси қайтарилди | | | Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби | Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | | шу жумладан: | | | | | | Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёпишга | бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди | корхонанинг ҳисоб рақамига | | |
| | | | | амалдаги ставка бўйича | | экспортдан ташқари ноль ставка бўйича | | ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | | | | | | |
| | | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | | | | | |
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Товар (иш, хизмат) сотиш обороти | 010 | 370 | 24 | 120 | 24 | 50 | 0 | 200 | 0 | x | x | x | x | x |
| Товар (иш, хизмат) сотишдан соф тушум | 020 | 350 | 20 | 100 | 20 | 50 | 0 | 200 | 0 | x | x | x | x | x |
| Чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | 021 | x | x | x | x | x | x | 160 | x | x | x | x | x | x |
| Валюта тушуми (чет эл валютасида) | 030 | x | x | x | x | x | x | 140 | x | x | x | x | x | x |
| Чет эл валютасида тушган тушумнинг улуши (030 уст. / 021 уст. x 100) | 040 | x | x | x | x | x | x | 87,5 | x | x | x | x | x | x |
| Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси. | 050 | x | 120,7 | x | 37,2 | x | 18,6 | x | 64,9 | x | x | x | x | x |
| Жорий солиқ даврида тушган, ўтган солиқ даврининг экспорт маҳсулотларини сотиш оборотлари бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммалари | 060 | x | x | x | x | x | x | x | 10 | x | x | x | x | x |
| Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚСнинг умумий суммаси | 070 | x | 130,7 | x | 37,2 | x | 18,2 | x | 74,9 | x | x | x | x | x |
| Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 070 уст.) | 080 | x | -106,7 | x | -13,2 | x | -18,2 | x | -74,9 | 5 | 10 | 7,7 | -70,4 | -106,7 |

***Изоҳ:***

*1) 010 (020) қаторда — 2 ва 3- устунларда жами сотиш обороти (соф тушум), солиққа тортилмайдиган оборотни қўшган ҳолда кўрсатилади, 8 ва 9-устунларда товарларни экспортга сотилгани миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг товарларни юклаган кундаги курси бўйича кўрсатилади;*

*2) 050 қаторда ҚҚС ҳисоб-китобига 2-сонли иловадаги ҚҚС суммаси кўрсатилади, жумладан 3-устунда 050 қатордаги, 5-устунда 0501-қатордаги, 7-устунда 0502-қатордаги, 9-устунда 05031-қатордаги;*

*3) 060 қаторнинг 9-устунида ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-сонли иловаси 050 қаторидаги ҚҚС суммаси кўрсатилади;*

*4) 080 қаторнинг 13-устуни 7 ва 9-устунлар суммаларига тенг бўлиб, 5-устун кўрсаткичларига камайтирилади (агарда у ижобий кўрсаткич билан бўлса, агарда у манфий кўрсаткич билан бўлса унда бу кўрсаткич ҳисоб-китобда иштирок этмайди) ҳамда 10, 11 ва 12-устунлар кўрсаткичларига камайтирилади.*

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

**Сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти бўйича хизматларни кўрсатувчи коммунал корхоналарнинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚС суммасининг ҳисоб-китоби**

(сўм)

| Кўрсаткичлар | Қатор коди | Солиққа тортиладиган оборот | | | | | | ҚҚС суммаси қайтарилди | | | Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби | Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | | шу жумладан: | | | | Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарз-дорликни ёпишга | бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди | корхонанинг ҳисоб рақамига | | |
| | | | | амалдаги ставка бўйича | | ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар | | | | | | |
| | | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | сумма | ҚҚС | | | | | |
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| Товар (иш, хизмат) сотиш обороти | 010 | | | | | | | х | х | х | х | х |
| Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси. | 020 | х | | х | | х | | х | х | х | х | х |
| Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚСнинг умумий суммаси | 030 | х | | х | | х | | х | х | х | х | х |
| Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 030 уст.) | 040 | х | | х | | х | | | | | | |

***Изоҳ:***
*1) 010 устун 2 ва 3 графаларда ҚҚС ҳисоб-китоби 4-илованинг 10 қатор 3 ва 4 графасидаги суммалар кўрсатилади;*
*2) 020 устунда ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича 2-илованинг ҚҚС суммаси кўрсатилади;*
*050 қатор 3 графада, 0501 қатор 5 графада, 0502 қатор 7 графада;*
*3) 030 устун 3, 5 ва 7 графада 020 графадаги сумма кўрсатилади.*

*Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга*
*4-ИЛОВА*

**Қайтарилган ҚҚС суммаси тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

**_____ ойи учун**
(ҳисобот даври)

**_____ бўйича**
(ҳудуд (туман, шаҳар) ва корхона номи)

сўм

| Т/р | Давр ва сана | Қайтариш учун тақдим қилинган | Жами қайтарилган сумма | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жами (6 уст + 7 уст + 8 уст) | шу жумладан: | | |
| | | | | корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтарилди | корхонанинг ёзма мурожаатига мувофиқ қайтарилди | |
| | | | | | Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёпишга | бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплашга |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| Ҳисобот даври учун жами | | | | | | |

*Суд низолари*

# БРОКЕРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

**Суд низосининг моҳияти.** Импортчи юридик шахс билан божхона брокери ўртасида тузилган шартнома асосида брокер импорт товарларини декларациялади ва «эркин муомала учун» режимига мувофиқ чиқарди. БЮДни расмийлаштираётганда у сертификатлаштириш органларининг хулосасидан фойдаланди ва товарни «ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар»га киритадиган ТИФ ТН бўйича кодларни кўрсатди. Божхона органи экспертиза ўтказиб, олиб кирилган товар «бутланган ва тугалланган буюм» сифатида таснифланиши кераклигини аниқлади, шу муносабат билан бошқа кодларни қўллаш лозим эди. Божхона органлари брокерни нотўғри декларациялагани учун жаримага тортишди. Божхона брокери бунда юридик шахсни айбдор деб ҳисоблаб, хўжалик судига тўланган жарималар суммасини қоплаш талаби билан мурожаат қилди. Ўз позициясини асослаш учун у:

– импортчи юридик шахс божхона брокерига тақдим этилган маълумотларнинг нотўғрилиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладиган шартнома шартларига;

– шартномада лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун божхона брокерининг жавобгарлигини назарда тутадиган қоидаларнинг йўқлигига таянди.

Хўжалик суди Божхона кодексининг *(бундан кейин – БК)* 99-моддасига, Божхона брокери тўғрисидаги низомнинг *(ДБҚнинг АВ томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1271-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1271-сон Низом)* 6-бандига, шунингдек Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги низомнинг *(ДБҚнинг АВ томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1272-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин 1272-сон Низом)* 14-бандига амал қилиб, импорт товарни расмийлаштирган божхона брокери мутахассиси сертификатлаштириш органларининг хулосаларида келтирилган ахборотни текшириши ва БЮД тўлдирилгунга қадар бажарилган таснифнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши кераклигини кўрсатди. Модомики у бундай қилмаган экан, бинобарин, нотўғри декларациялашда айбдор. Божхона брокерининг ходими ҳисобланган мутахассис унинг номидан ҳаракат қилганлиги боис божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи айни божхона брокеридир.

Суд шунингдек импортчи юридик шахснинг айби йўқ деб ҳисоблади, чунки хулосалар унинг номидан эмас, балки расман сертификатлаштириш органлари томонидан расмийлаштирилган. Божхона брокерининг жавобгарлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларининг йўқлигида у қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўллаш учун тўсиқларни кўрмаган.

Мазкур асосга кўра суд даъвони рад этди ва божхона брокери тўлаган жарима суммасини қоплаш тўғрисида юридик шахсга қўйилган регресс талабларни асоссиз деб топди.

**Иш бўйича асосий хулосалар.** *Импортчи ваколатли давлат органлари (субъектлари) ҳужжатларида мавжуд бўлган, улар асосида товарларни нотўғри декларациялаган божхона брокерига берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун божхона брокери олдида жавобгар бўлмайди.*

*Божхона расмийлаштируви бўйича брокер мутахассиси тақдим этаётган шахсдан олинган, божхона мақсадлари учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга ошираётганда у ўтказган мустақил текширув томонидан тасдиқланган маълумотлардангина фойдаланиши шарт.*

***Вазиятни баҳолаш.*** 1. Божхона брокери ва унда ишлайдиган, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис божхона иши соҳасида малакали субъектлардир. Айни шу сабабли амалдаги қонунчилик уларга ўз вазифаларини бажаришларига доир оширилган талаблар қўяди.

БКнинг 99-моддаси декларант божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўлиқ жавобгар бўлишини назарда тутади. Товарларни олиб ўтувчи шахс ҳам, божхона брокери ҳам декларант бўлиши мумкин.

1271-сон Низомнинг 6-бандига кўра божхона брокери божхона назорати ва божхона расмийлаштируви чоғида декларантнинг барча мажбуриятларини бажаради ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ товарларни божхона чегараси орқали мустақил олиб ўтгандек жавобгар бўлади. 1272-сон Низомнинг 14-банди божхона брокери ходимини (божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни) тақдим этаётган шахсдан олинган, божхона мақсадлари учун зарур ҳужжатлар ва маълумотларни таҳлил қилишга, уларнинг тўғрилигини текширишга, шунингдек ТИФ ТН бўйича товар коди ва тўланиши керак бўлган божхона тўловлари суммаларини тўғри белгилашга мажбур қилади. Мазкур мажбуриятларни бажариш учун унга Божхона кодекси томонидан қуйидагиларга ваколат берилган:

– уларни текшириш (экспертиза қилиш) учун олиб кирилган товарлардан намуналар ва нусхалар олишга *(79-модда);*

– дастлабки божхона декларациясини тақдим этишга, бунда божхона мақсадлари учун зарур бўлган асосий маълумотлар баён этилиши ва етишмаётган маълумотлар божхона органи белгилайдиган муддатларда тақдим этилиши шарт қилиб қўйилади *(96-модда);*

– божхона декларациясини топширгунга қадар товарларни кўздан кечириш ва ўлчаш *(100-модда).*

Шу тариқа божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга импортчи тақдим этган маълумотларни текшириш учун реал имконият берилган. Агар у айтилган ваколатлардан фойдаланмаса, хато қилиш ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш хатарига дуч келади.

1. Мажбурий сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига *(Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган)* кўра мажбурий сертификатланадиган товарлар божхона ҳудудига олиб кирилиши чоғида импортчи «Ўзстандарт» агентлигининг тегишли ҳудудий органига экспертиза ўтказиш ва мувофиқлик сертификати берилиши учун мурожаат қилиши керак, унда, хусусан, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг кодларига мувофиқ товарлар таснифи тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Бунда Мажбуран сертификатланадиган товарлар (маҳсулотлар)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг *(АВ томонидан 2000 йил 26 февралда 901-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2.10-банди ушбу маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарликни сертификатлаштириш органи зиммасига юклайди. Шу тариқа, импортчи сертификатда кўрсатилган кодларнинг тўғрилиги учун жавоб бермайди. Шу сабабли сертификатлаштириш органи томонидан товарлар у ёки бу товар гуруҳига (позиция ва бошқаларга) хато равишда киритилган тақдирда импортчи божхона брокери олдида сертификатда келтирилган нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун, агар ундан божхона брокери декларациялаш мақсадларида фойдаланган бўлса, жавобгар бўлиши керак эмас.

Фуқаролик кодекси 354-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилишича, *«шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно».*

Товарларнинг божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига татбиқан олганда мазкур шарт шуни англатадики, божхона брокери (божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг қонун ҳужжатларида белгиланган ўз касбий фаолияти доирасида амалга оширадиган ҳаракатлар учун жавобгарлиги тарафларнинг хоҳиши бўйича белгиланмайди, балки юқорида кўрсатилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ёзиб қўйилганидек тарзда қўлланилади. Шартномада тегишли қоидаларнинг йўқлиги уни ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди. Олиб кирилган товарларни нотўғри тасниф қилганлик ва ТИФ ТН кодларини қўллаганлик учун бундай жавобгарлик, агар ушбу ҳаракатлар тўланадиган божхона тўловлари суммаларини камайтиришга йўналтирилмаган бўлса БКнинг 164-«Товарларни декларацияламаслик ёки уларни нотўғри декларациялаш» моддаси, агар нотўғри кодларни кўрсатиш айни шу мақсадни кўзлаган бўлса, БКнинг 167-«Божхона тўловларидан ғайриқонуний озод қилишга ёки уларни камайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар» моддаси билан белгиланади.

***Артём МОКШИН,***
***«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлимининг бошлиғи.***

*Ноанъанавий саволлар*

**ТАРМОҚДАГИ РЕКЛАМА**

***Улгуржи фирма туздик ва унинг хизматларини Интернет орқали илгари сурмоқдамиз. Чекланган реклама бюджетида буни қандай амалга ошириш мумкин?***

– Интернетдаги реклама – мақбул нархлилар сирасида энг самарали усулдир. Бироқ ишни рекламадан эмас, балки сизнинг фирмангизни Тармоқда тақдим этадиган саводли веб-сайтни тузишдан бошлаш керак.

Агар бюджет чекланган бўлса, мутахассислар тайёр андозалардан фойдаланишни маслаҳат беришади. Бу ишда сизга кўмак берадиган мутахассислар ҳозирда ўзимизда ҳам бисёр, уларнинг хизматларига нарх даражаси анча мақбулдир. Яхши ташрифнома-сайт иккита муҳим белгига жавоб бериши лозим: фирмангиз устуворликларини белгилаб бериш ҳамда хизматлар ва мулоқотлар баҳоси тўғрисидаги маълумотлар берилган саҳифаларга осон киришни таъминлаш.

Интернет-рекламага келсак, ҳозир энг оммабопи контекстли рекламадир*. У тўғри мослаштирилганда кам харж билан савдони самарали рағбатлантиришга имкон яратади. У билан биргаликда қидирув тизимлари учун сайтни мақбуллаштиришдан фойдаланиш мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай илгари силжиш тури контекстли рекламага қараганда 40%га самаралироқ экан (фойдаланувчиларнинг ярми қидирувчи топиб берган дастлабки сатрларгагина эътибор қаратади, фақат учдан бири ҳақ тўланган ҳаволаларга аҳамият беришади), бироқ ушбу вариант қимматроқ эканлиги сезилиб турибди.

Шунингдек, интернет-майдончаларда бизнесингиз мавзуларига оид баннер рекламани жойлаштириш мумкин.

Сиз тармоқда қандай илгари силжиш усулини танлаганингиздан қатъи назар, шуни ёдда тутинг: реклама ишларини бажариш учун брифлар** ва техник топшириқларни тўғри шакллантириш керак. Акс ҳолда рекламачилар сиз кўрсатган вазифани хато талқин қилишлари мумкин.

**РУҲИЙ ЗЎРИҚИШГА УЧРАМАГАН ОДАМ**

***Суҳбат чоғида номзоднинг малакасини англаб олиш осон. Бироқ унинг «кураш»да ўзини қандай тутишини билишни хоҳлардик. Номзоднинг руҳий зўриқишга бардошлилигини текшириш усуллари борми?***

– Ишида кўп сонли шахсий алоқалар назарда тутиладиган ходимларга зўриқишга бардошлиликнинг юқори даражаси талаб этилади: масалан, агентлар, савдо ва мижозлар билан ишловчи мутахассислар, call-марказлар (телефон қўнғироқларини қайта ишлаш хизмати) операторлари, раҳбарлар ва ҳоказолар. Бундай позицияларга номзодларни текширувдан ўтказишда бир қатор усуллардан фойдаланилади.

Биринчидан, кишидан аввалги иши ҳақида батафсил сўраб олиш керак: унинг вақти етарлимиди, номзод вазият ўзгаришларини қандай қилиб уддалаган. Иккинчидан, махсус тест ва сўровномалар, шунингдек лойиҳавий услубиятлар ҳам мавжуд.

Бироқ ҳамма ҳам тестларга ишонавермайди, шу боис улар баъзан бошқа усул – зўриқтирувчи суҳбат усулига ўтишади. Номзодни қабулхонада узоқ кутишга мажбур қилиш, уни синчковлик билан четдан кузатиш, суҳбат чоғида узоқ танаффуслар қилиш ва шу кабилар. Бунда киши ноқулай вазиятларга қандай муносабатда бўлиши, ўзини тутиб тура олиши текширилади.Зўриқтирувчи суҳбатнинг ҳамма усуллари ҳам хавфсиз эмас: суҳбат ўтказаётганлар номзодга бақиришлари, устига «бехосдан» сув тўкиб юборишлари мумкин ва ҳоказо. Ҳар бир HR-менежер номзоднинг зўриқишга бардошлилигини аниқлашда қандай йўл тутишини ўзи ҳал этади.

***Контекстли реклама** – баннерлар ёки матнли ҳаволаларни маълум саҳифанинг маъно мундарижаси билан қатъий мувофиқликда кўрсатиш. Масалан, агар сиз Nissanнинг янги модели ҳақида мақола ўқиётган бўлсангиз, унинг ёнида автосалон рекламасини кўрасиз; агар сўз турар жойни кредитлаш муаммолари ҳақида бораётган бўлса – сиз кўчмас мулк агентлиги ҳақида ахборотни топасиз; Туркиядаги об-ҳаво ҳақидаги мақолада сиз сайёҳлик фирмаси баннерини кўришингиз мумкин. Контекстли реклама реклама берувчига ифодаловчиларни кўрсатишни саҳифаларнинг аниқ мавзуларига ёки ҳаттоки калит сўзларга боғлаш имкониятини яратади.*

*** **Бриф (Brief)** – реклама акциясининг креативини ишлаб чиқиш ёхуд истеъмолчи билан коммуникацияларнинг муайян усулларини баён қилган ҳолда акцияларни ўтказишга доир таклифларни тайёрлаш бўйича агентликка таркибланган топшириқ.*

**P.S.** ***Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru электрон манзилига юборинг. Биз ўз тажрибамизга, қолаверса етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан ўз хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланган ҳолда қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

# Бизнес Панорама

«Норма маслаҳатчи» 25 (154)-сон 2008 йил 13 июнь

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
• Бланкалар
• Бандероллар
• Тезтиккичлар
• Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари
АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

"Бизнес-панорама. Реклама & ахборот" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди.
Тел.: 244-02-01, 244-02-40.

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

SANAY Co.Ltd

КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти

ички аудит бўлимига танлов эълон қилади

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти
ИЧКИ АУДИТ БЎЛИМИГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ
ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади.

*Ҳар ойда бажарган ишига қараб, келишув асосида 500-600 минг сўм ойлик маоши тўланади.*

***Танловда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар:***
- аудиторнинг малака сертификатига (CAP/CIPA) эга бўлиш;
- олий маълумотли, камида уч йил бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига эга бўлиш;
- компьютер техникасидан мукаммал фойдаланиш (Excel, Word, 1С-бухгалтерия);
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш.

Танлов комиссиясига, тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақ (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. ("Тошкент почтамти" биноси).
Мурожаат учун телефонлар: 237-49-51; 233-57-47.

СОВУТИШ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ

ПРОМХОЛОД
СОВУТИШ КАМЕРАЛАРИ
совутиш агрегатлари

ИСТАЛГАН САВДО МАЙДОНЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ

СОВУТУВЧИ:
витриналар
горкалар
жавонлар
стеллажлар
пештахталар
касса кабиналари

СУТ СОВУТКИЧЛАР

Товар сертификатланган

AZN TECHNO
1-сон салон: Чилонзор-17, 34-уй. Тел.: 217-09-57, 216-09-00.
2-сон салон: Паркент кўч., 131-уй. Тел. 269-27-91.
Офис: 234-12-69, 234-34-75. www.azn.uz e-mail: azn@azn.uz

ҲАММАСИ МЎЪЖАЗ БОСМАХОНАЛАР УЧУН

Рақамли дупликаторлар ва коллаторлар

**Duplo DBM 120** – меҳнат унумдорлиги соатига 2400 блоккача бўлган брошюралаш машинаси, китоб саҳифаларини маҳкамлаш ва фальцовкалаш йўли билан брошюраларни тез тайёрлаш учун мўлжалланган.



Duplo™

**DP-S550 рақамли дупликатори**
- А3 бичими
- ечими 300x600 dpi
- босиш тезлиги бир дақиқада 150 нусха
- ичига киритилган компьютер интерфейси
- рақамли функцияларнинг кенгайтирилган тўпламига эга фаол ЖК дисплейи
- рус тилидаги меню
- 10 000 000 нусха ресурси
- кафолат босиш чекламисиз 1 йил

ЯПОНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

